

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 316.722:314.145 (575.1)

АХМЕДОВ ҚАҲРАМОН АБДУЛҲАМИД ЎҒЛИ

ЁШЛАРНИ “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ТАЪСИРИДАН
ҲИМОЯЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

5A210102 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик
хавфсизлиги

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: соц ф.н, доц. Фарфиев Б.А

ТОШКЕНТ – 2018

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3-9
I БОБ “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ТАҲДИДЛАРИНИ ЁШЛАР ОНГИГА ТАЪСИРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ	10-36
1.1. Ёшлар жамиятнинг алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳи.....	10-21
1.2. “Оммавий маданият” тушунчаси ва унинг моҳияти.....	22-34
I боб бўйича хулосалар.....	35-36
II БОБ “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ТАҲДИДЛАРИНИНГ ЁШЛАР ХУЛҚ-АТВОРГА ТАЪСИРИ	37-58
2.1. “Оммавий маданият” девиант хулқ-атворнинг мафкуравий асоси сифатида.....	37-46
2.2. Глобал интернет тармоғи ёшлар онгига таъсир ўтказувчи восита сифатида.....	47-57
II боб бўйича хулосалар.....	58
III БОБ ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ- МАДАНИЙ ОМИЛЛАРИ	59-81
3.1. “Оммавий маданият”нинг ёшлар онгига таъсирига қарши курашда миллий қадриятларнинг ўрни.....	59-68
3.2. “Оммавий маданият”нинг ёшлар онгига таъсирини социологик таҳлили.....	69-80
III боб бўйича хулосалар.....	81
ХУЛОСА	82-84
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	85-90
ИЛОВАЛАР	91-98

КИРИШ

Диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Ҳозирги жаҳонда кечаётган мураккаб глобаллашув ўзгаришлар турли халқ, миллат ва элатлар маданиятида маънавий-мафкуравий тўқнашувларни юзага келтирмоқда. Айниқса, миллий маданият намуналарини ривожлантириш асосий вазифа бўлган ҳозирги шароитда четдан кириб келаётган, салбий характерга эга бўлган мафкуравий таҳдидлар хавфини ўз вақтида бартараф этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда жаҳоннинг аксарият мамлакатларида миллий маданият илдизларини емирувчи, ёшларни ахлоқсизлик ғоялари сари эргаштирувчи, уларнинг маънавий онгига салбий таъсир кўрсатувчи “оммавий маданият” таҳдидлари кучайган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Юртимиз ёшларининг муносиб вакиллари, эртанги кунимиз эгалари бўлган сиз, азиз ўғил-қизларимиз даврасида ёшимиз, лавозимдаги фарқларга эътибор бермасдан, худдики сизлар билан тенг бўлиб, чин дилдан, самимий бир суҳбат қуришни анчадан бери орзу қилиб келар эдим. Бугун сизларнинг қалбингиз, юрагингиздаги ўй-фикрлар, мақсад-муддаолар, керак бўлса, ушалмай турган ниятлар билан яқиндан танишиш, шу асосда ёшлар сиёсати бўйича олиб бораётган ишларимизни танқидий баҳолаб, тегишли қарорлар қабул қилишни мен ўз фаолиятим учун ғоят муҳим деб ҳисоблайман. Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”¹. Шу муносабат билан, ҳозирги глобаллашув шароитида мафкуравий муносабатлар билан боғлиқ муаммоларни чуқур ўрганиш ҳамда уларнинг ечимини топиш эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда.

¹ [www. uza.uz/](http://www.uza.uz/) Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир// Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи/ 01.06.2018

Дарҳақиқат, бугунги кунда бутун дунё ҳамжамиятининг эътибори глобаллашув жараёнлари ва “оммавий маданият”нинг салбий таъсирларининг олдини олиш муаммоларига қаратилган. Жумладан, мамлакатимиз шароитларида ҳам “оммавий маданият” ҳодисасининг социологик таҳлили долзарб вазифа сифатида гавдаланаяпти. Зеро, халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз холига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас кадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий таракқиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Ўзбекистонда ёшлар ва ўсмирлар жами аҳолининг 60% ташкил этади. Ушбу демографик кўрсаткични ҳисобга олган ҳолда ёшлар онги салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ҳодиса, жумладан “оммавий маданият” унсурлари ҳам келажакда шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётини хавф остида қолдиради. Айнан ушбу ҳолатларни тизимли тарзда ўрганиш зарурияти мазкур магистрлик ишининг долзарблигини белгилаб беради. Мазкур ҳолат мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг концептуал йўналишларини шакллантириш ҳамда ушбу жараёнда иштирок этишнинг энг оптимал йўллари ишлаб чиқишга бўлган талабни орттирмоқда.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Ёшларнинг “оммавий маданият”га нисбатан бўлган муносабати тадқиқотнинг объекти сифатида белгиланди. Уларнинг “оммавий маданият”га нисбатан берадиган

баҳолари ва улар асосида намоён бўладиган муносабатларини социологик жиҳатда ўрганиш эса тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг мақсади “оммавий маданият”нинг мазмун-моҳияти, унинг миллий маданияти, инсон маънавий оламига таъсири, глобаллашув шароитида ёшлар ахлоқи ва дунёқараши, тафаккури ва маънавиятида рўй бераётган ўзгаришларни тадқиқ этиш ҳамда ёшларни ёт ғоялардан ҳимоя қилиш усул ва воситаларини ўрганишдан иборат. Қўйилган мақсад асосида қўйидагилар магистрлик диссертациясининг вазифаси сифатида белгилаб олинди:

- “оммавий маданият”нинг мазмун-моҳияти, ижтимоий ҳаётда намоён бўлиш шакллари, уни келтириб чиқарувчи омилларини социологик жиҳатдан очиб бериш;

- “оммавий маданият”нинг ёшлар орасида тарқалиш сабаблари ва таъсирини ёритиш;

- “оммавий маданият” ва унинг миллий маданиятга салбий таъсирини тизимли тарзда таҳлил қилиш;

- замонавий ўзбек оилаларига Ғарб турмуш тарзининг таъсирини ўрганиш;

- “оммавий маданият” элементларига талаба ёшлар томонидан билдирилаётган муносабатларни конкрет социологик тадқиқот материаллари асосида белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация ишида “оммавий маданият” ёшлар маънавий ҳаётига таҳдид қилувчи ижтимоий ҳодиса сифатида социология фани нуқтаи назаридан тадқиқ этилди. Шунингдек тадқиқотнинг илмий янгиликлари қўйидагиларда намоён бўлади:

- “оммавий маданият” тушунчаси ва унинг мазмуни назарий-социологик жиҳатда таҳлил этилган;

- “оммавий маданият”нинг миллий маданиятларга таҳдиди тизимли ёндашув асосида тадқиқ қилинган;

- “оммавий маданият”нинг вужудга келиши сабаблари ва омиллари аниқланган;
- “оммавий маданият”нинг ижтимоий ҳаётда намоён бўлиш хусусиятлари ва уларга қарши курашнинг амалий аҳамияти очиқ берилган;
- “оммавий маданият” ва салбий оқибатлари бевосита эмпирик социологик тадқиқот натижалари асосида алоҳида ўрганилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фарози. Глобаллашаётган жамиятнинг ёшларикенг форматдаги маълумотлардан фаол фойдаланаётган шароитларда улар онгига Ғарб жамиятининг махсули бўлган “оммавий маданият” ўзсалбий таъсирини ўтказишга астойдил уринаётганлиги кузатилмоқда. Бу ҳолат эса мамлакат келажаги бўлмиш ёшларнинг дунёқарашини Ғарб жамияти қадриятларига мойиллик бўлиш томонга буриб юбориши хавфини вужудга келтирмоқда. Бундай хавф-хатарни эса ёшларда мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириб, бартараф қилиш мумкин бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, “оммавий маданият”нинг таҳдидларига фақатгина миллий ва диний қадриятларимиз асосида шаклланган ҳамда ривожланган миллий менталитетимиз таянган қарши тура олиши муқаррардир. Шунинг учун ёшлар онгига таъсир этувчи ҳар қандай ижтимоий воқеа ва ҳодисаларни социологик жиҳатда кузатиб боришни даврнинг ўзи тақозо этаяпти.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили. Шарқ менталитетида азал-азалдан одоб-ахлоқ қоидаларига жиддий эътибор қаратилганлиги “оммавий маданият” таҳдидларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда жамоавийлик, инсонларнинг бир-бирига меҳр-оқибати, ахлоқий-маънавий масалалар етакчи ўринда турса, “оммавий маданият” ўз ичига индивидуализм ҳамда эгоцентризм ғояларининг энг тубан ва меъёрдан ортиқ жиҳатларини сингдириб, ахлоқий етукликни охириги ўринга тушириб қўяди. Шунинг учун ҳам миллий маданиятнинг “оммавий маданият”га қарши курашда рационал аҳамият касб этадиган асосларини буюк аждодларимиз –Имом Бухорий,

Имом Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий асарлари асосида атрофлича ўрганиш долзарб аҳамият касб этади².

“Оммавий маданият” тарғиботини асл халқ маданияти ва миллийликка бегона бўлган жиҳатлар кўпроқ ташкил этади. Глобаллашув жараёнлари натижасида ижобий жиҳатлар билан бирга мафкуравий таҳдидлар ҳам кенг ёйилмоқда. Бу ўз навбатида, миллат ёшлари ва миллий маданиятга салбий таъсир кўрсатувчи мазкур муаммони чуқур ўрганишни тақозо этмоқда.

Юртимиз олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар мазкур диссертация мавзусини ёритишда муҳим манба саналади. М.Қуронов³ “оммавий маданият”нинг бирор-бир халқ ёки миллатга мансуб эмаслиги, унинг тарихий ва замонавий идеаллари мавжуд бўлмаганлиги, С.Отамуратов⁴ глобаллашув жараёнлари ва “оммавий маданият” ташвиқотларидан кўзланган асосий мақсадларни тадқиқ қилган. Шунингдек, мазкур йўналишда тадқиқот олиб борган файласуф ва сиёсатшунос олимлар жумласига Б.Тўйчиев И.Саифназаров, Ш.Пахрутдинов, А.Муминов, А.Қодиров, Н.Жўраев, А.Очилдиев, Ў.Абилов, М.Нурматова, О.Нишонова, Г.Туленова⁵ларни киритиш мумкин.

Мавзунинг социологик жиҳатлари эса Р.А.Убайдуллаева, О.Б.Ота-Мирзаев, Н.С.Алиқориев, М.Ҳ.Ганиева, М.Б.Бекмуродов, А.Ж.Ҳолбеков,

²Мамадиев Б. “Оммавий маданият” – маънавий кушандаси // Маърифат. – Тошкент. 2008. - № 4. – 16 б.

³Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. -Тошкент: Akademiya, 2008.

⁴ Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 46 б.; Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. - Тошкент: Ўзбекистон, 2015.

⁵ Тўйчиев Б.Т. Политическая культура и демократизация общество. - Ташкент, 2009; Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. - Тошкент: Шарқ, 2001. Пахрутдинов Ш.И. Таҳдид тушунчаси: назария ва амалиёт. - Тошкент: Абу али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1998. Мўминов А. Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. - Тошкент: Turon zamin ziyo, 2013. Очилдиев А. Маданият фалсафаси. - Тошкент, 2010. Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. - Тошкент: Маънавият, 2001; Абилов Ў. Ўзбекистон тараққиётининг оптимистик руҳи. - Тошкент: Истиклол, 2003; Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. - Тошкент: Университет, 2009. Нишонова О. Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти. - Тошкент: Фан, 2013. Туленова Г. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли: дисс...фалсафа фан. доктори. - Тошкент, 2006.

А.А.Умаров, Р.Т.Убайдуллаева каби олимлар томонидан фаол ўрганилаяпти.

Глобаллашув жараёнлари ва шу орқали кириб келувчи мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш масалалари барча даврларда олимларни кизиқтириб келган. Бу борадаги карашлар Л.Гринин, А.Чумаков, Л.Миллер, А.Смит⁶ каби чет эл файласуф олимларининг илмий ишларида келтирилган. Шунингдек, оммавий маданиятга объектив жараён сифатида берилган таърифлар, унинг тузилиши хусусидаги ижтимоий-фалсафий фикрлар Х.Ортега-и-Гассет ва К.Ясперс⁷нинг асарларида келтирилади.

Айни чоғда таъкидлаш жоизки, глобаллашув жараёнида «оммавий маданият» таҳдидларининг олдини олиш масалалари айрим олимларнинг тадқиқотларида муайян даражада кўтарилган бўлса ҳам, у ҳозиргача махсус тадқиқот объекти бўлган эмас.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тизимили таҳлил, қиёсий ва умумлаштириш, хужжатларни таҳлил этиш, анкета сўрови каби усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот ишининг натижалари асосида ишлаб чиқиладиган назарий хулосалар ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар «оммавий маданият» ҳодисасининг салбий оқибатларига қарши курашувчи социологик ёндашувларни тўлдиришга хизмат қилади. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан мамлакатимиз олий, ўрта махсус ва умумий ўрта таълим муассасаларида ижтимоий гуманитар фанлар ҳамда махсус курсларни ўқитишда, ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

⁶Гринин Л.Е. Глобализация и национальный суверенитет. История и современность. №1. - Москва.: 2005; Чумаков А. Глобализация. Контуры целостного мира: Монография. - Москва.: Проспект, 2005; Miller L. H. Global Order: Values and Power in international Politics. - Boulder, CO. 1994; Smith A. Nations and Nationalism in a Global Era. - Cambridge, 1995.

⁷Ортега-и-Гассет Х. Восстание масс. Эстетика. Философия культуры. - М.: 1991; Ортега-и-Гассет Х. Запах культуры. - М.: Алгоритм, Эксмо, 2006; Ясперс К. Власть массы / Призрак толпы. - Москва: Алгоритм, 2007.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация кириш, уч боб, олти параграф хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 98бетни ташкил қилади.

I БОБ. “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ТАҲДИДЛАРИНИ ЁШЛАР ОНГИГА ТАЪСИРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

1.1. Ёшлар жамиятнинг алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳи

Ёшлар ҳақида сўз борар экан, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароити ва ёшлар муаммоси, халқ хўжалиги, фан, маданиятнинг ёш мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжи, таълим тизими ва талабаларни мустақил меҳнатфаолиятига тайёрлаш, демографик жараёнлар ҳамда ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг маълумот олиши, касб танлаши муаммоси, социал мобиллиги, шаҳар ва қишлоқ ёшлари ҳаёти, ёшларнинг турмуш даражасикаби масалалар бўйича назарий ва эмпирик социологик тадқиқотлар олиб бориш муҳим ҳисобланади. Маълумки, ёшлар дунёқарашининг ўзига хослиги, қийинлиги ва мураккаблиги унинг кўп серкирралигидадир. Айниқса, бозор муносабатлари шароитларида ёшларни иш билан таъминлаш муаммоси долзарб масалалардан бири. Бу муаммонинг ҳал этиб борилиши ёшлар билан боғлиқ бўлган кўплаб масалаларнинг ечимини топишга сезиларли таъсир кўрсатади. Бу борада мамлакатимизда ёшларни иш билан таъминлаш борасида “Уста ва шогирд” тизими асосида кўплаб ишлар қилинмоқда. Бундан асосий мақсад ёшларни миллий ҳунармадчиликка, кадриятларга, анъаналарга ҳурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ҳамда уларни моддий жиҳатдан таъминлашни яхшилашдан иборатдир.

Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг таркиб топа бориши ёшларнинг ижтимоий қарашларида ҳам жиддий ўзгаришлар ясамоқда. Шунинг учун уларнинг келажак ҳаёти режаларини, қизиқишларини аниқлаш мақсадида эмпирик тадқиқотлар ўтказиш ва улар асосида назарий хулосалар чиқариш ёшлар ижтимоийлашувни ўрганишнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ёшларнинг келажак ҳаётини режалаштириш иши энг аввало

оиладанбошланади. Бу жиҳатдан оила институтининг мустаҳкам ва ҳар томонлама ривожланиш тенденциялари бўлиши керак.

Ёшларнинг касб танлаши, иш жойларига эга бўлиши ишлабчиқаришнинг интенсив равишда ривожланиши ва юксактехнологик такомиллашувжараёнида кўп жиҳатдан таълим тизимининг сифатига ҳам боғлиқ. Бу жиҳатдан талабаларнинг адекват ижтимоийлашувига хизмат қилувчи таълим тизими ва технологиялари амалиётга татбиқ қилиш керак ва шундай қилинмоқда ҳам. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёв ўз асарлари, нутқларида ҳозирги даврда мамлакатимизда ёшлар ҳаёти ва фаолиятига доир қатор муаммоларни кўрсатиб ўтиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш масаласида тегишли қарорларни чиқараяпти.

Хусусан, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (2016 йил 14 сентябрь) ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ёшларнинг фаоллигин ошириш учун муҳим қонун сифатида эътироф этиш лозим. Чунки ёшлар сиёсати келажакка қаратилган мақсадли сиёсат сифатида дунё ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланмоқда. Ёшларга оид давлат сиёсатининг бир неча йўналишларда ёшларнинг жамият ҳаётида фаол бўлиши, кадриятларга юксак ҳурмат руҳида тарбиялаш, мафкуравий муносабатларни баҳолаш имконини беради.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш;

ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш;

ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш;

ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш;

ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, конунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш;

ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-харакатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш;

иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш;

ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш;

ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.⁸

Ёшларнинг фаол социал гуруҳ сифатида намоён бўлишлари аввало уларда кечаётган ижтимоийлашув жараёнига бевосита боғлиқдир. Айнан бу жараён таъсирида ёшлар ижтимоий ҳаёт шароитларига аста-секинлик билан кўникиб борадилар. Ижтимоийлашув эса бошқарилувчан жараёндир. Уни ижтимоий институтлар, ишлаб чиқариш, маданий-

⁸ “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда

маърифий ва маънавий турли таъсирлар билан бошқариш мумкин. Ижтимоийлашув жараёнини тадқиқ этилишида бир қатор йўналишлар юзага келган ва у йўналишларнинг барчаси ўзига хос назариялар ҳамда фаразларни илгари сурган. Улардан кенг тарқалганлари ижтимоийлашув жараёнида инсонда ўзига нисбатан танқидий қараш, яъни инсоннинг ўз муносабатлари ва хулқ-атвориغا нисбатан танқидий ёндоша олиши ҳисобланади.

Ижтимоий мослашув ижтимоийлашув жараёнига яқин ҳолат сифатида ҳамда унинг таркибий қисми сифатида ажратиб кўрсатилар экан, унинг муайян турларини ҳам қисқача кўриб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

- Иқтисодий мослашув;
- Педагогик мослашув;
- Психологик мослашув;

Бу турдаги мослашув ҳолатлари, ёшларларнинг ижтимоийлашув жараёнида катта рол ўйнайди, инчунун, уларнинг ҳар бири ижтимоий мослашувга хизмат қилади. Ёшлар ижтимоийлашар эканлар, ҳаётда ўзларини моддий жиҳатдан таъминлашга, етук педагогик таълим-тарбия кўрган шахс бўлишга, ўзини психологик идора қила оладиган инсон бўлишга интилади. Бир сўз билан айтганда бу интилиш ижтимоийлашиш тенденциясидир.⁹

Ёшларнинг ижтимоийлашувини таъминлашнинг қуйидаги махсус вазиятлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни қўллаш ва амалиётда тадбиқ этиш орқали жамиятда катта тараққиётга эришиш мумкин.

- ижтимоийлашувни енгиллаштиришга қаратилган ижтимоий институтларни ташкил қилиш, шу йўналишга хизмат қилувчи кадриятлар тизимини, меъёр ва одатларни шакллантириш;
- тарбиянинг барча йўналишларидан самарали ва оқилона фойдаланиб, ўсиб келаётган ёш авлодни онгли даражада ижтимоийлашувга тайёрлаш;

⁹www.fmx.ru/sociologiya_i_obshhestvoznanie/molodyozh_i_obshchestvo_problemy.html

• ижтимоийлашувнинг муҳим нуқтаси бўлган ижтимоий муносабатларни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик, бевосита дунёқараш ҳамда тарбияга боғлиқ экан таълим-тарбия бу ўринда долзарблигини кўрсатади;

• инсон ижтимоийлашув субъекти бўлиб, ушбу жараёнда турли социал таъсирлар замирида ўз қарашларини ва қадриятларини ўзгартира олади;

• фақат инсон ижтимоий ва онгли мавжудот сифатида юқоридагиларга қодир ва шу асосда ижтимоийлашув жараёнини унинг ўзи ёки ижтимоий онг ва таъсирлар бошқариши, назорат қилиши, керакли вазият-ҳолатларни юзага келтириши ёки ўзгартириши мумкин.¹⁰

Ижтимоийлашув сифатини белгилашда “Интракционистлар” назариясига асосланган ҳолда қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин бўлиб:

1. Шахс сифатида шаклланган индивиднинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва муайян фаолиятга киришганлиги. Шунингдек, шу йўналишдаги керакли билим кўникмлар ҳосил қилганлик;

2. Шахсий муносабатларда, жумладан бошқалар билан интим ёки эмоционал алоқа ўрнатишда адекват билим-кўникмалар ҳосил қилганлик;

Бундай ўзига хос тарздаги ижтимоийлашув сифатини белгилаш орқали, шахснинг ижтимоий жиҳатдан ўзи учун жавобгарлик ва маънавий етукликка эришишга замин яратади. Юқоридагиларга изоҳ киритадиган бўлинса, биринчи ҳолат инсоннинг биологик, хавфсизликка бўлган ва умуман моддий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. А.Маслоунинг мотивацион назариясига биноан бу эҳтиёжлар инсоннинг ижтимоий мавжудодлигига қарамай бирламчидир. Улар қондирилгач, инсон ўзини намоён қилиш ва шахс сифатида жамиятда ўз ўрнини эгаллаш (ижтимоийлашиш)га бўлган эҳтиёжлари қондирилишга қулай шароит

¹⁰Перов И.М. Неформальные молодежные объединения // Социально-гуманитарные знания. - 2002. №5. - С. 18.

вужудга келади. Бу қулай шароитда юқорида таъкидланган иккинчи ҳолат юз бериши кузатилади.

Ижтимоийлашув механизмининг фаолияти, талабаларни жамиятда шахс сифатида шаклланиши, ўзининг ижтимоий моҳият ва хусусиятига эга бўлиши, ижтимоий фаолият олиб бориши, мулоқотга киришиши, ўзини англаши каби жараёнларнинг умумий инъикосидир. Ижтимоийлашувдаги бу триада (яъни ижтимоий фаолият, ўзини англаш, мулоқот) ташқи оламни ўзлаштириш ҳамда ўзгартириш, инсоннинг ички дунёсини ҳам мувофиқлаштириш, инсон моҳиятидаги яширин имкониятларини очиш ҳамда амалиётга тадбиқ этишга йўналади, шу билан ижтимоийлашув субъектини оқимой шароитлар билан уйғунлаштиради.

Ижтимоий фаолиятни муҳим ижтимоийлашув механизми сифатида мулоқот, ўйин, таълим, меҳнат каби фаолиятларда кўриш мумкин, ўз навбатида улар актив ижтимоийлашув шароитини яратади. Мулоқот эса индивиднинг ижтимоий норма ва қадриятларни актив ўзлаштиришга, бошқалар билан муносабатлар ўрнатиш хизмат қилувчи энг муҳим омилдир.

Ижтимоий жиҳатдан ўзини англаш жараёни триаданинг дастлабки икки омили (фаолият ва мулоқот) билан пропорционал ва уларнинг асосида шаклланади. Ижтимоий ўзини англаш жараёнида индивид ўзининг ижтимоий тегишлилигини (бирор фаолият, гуруҳ, жамоага ва ҳ.к) шакллантириши ҳамда ўзининг ижтимоий ролига эга бўлиши назарда тутилади.

Олимлар томонидан ижтимоийлашув таркибида кўрсатиладиган, ижтимоий мослашувнинг яна бир қатор йўналишлари борки, улар ўз навбатида маълум ижтимоий-психологик таъсирга эгадирлар.

Жумаладан, маиший мослашув, маданий мослашув, маънавий мослашув кабиларни таъкидлаш мумкин.

- маиший мослашув оила, кўни-қўшничилик, хўжалик муносабатларига киришиш ва шу муносабатларни ташкиллаштриш кабиларни ўзида акс эттиради;

- маданий мослашишда миллий, этник, ижтимоий урф-одатларни ўзлаштириш ҳамда уларга мувофиқ бўлишни акс эттиради бу ўз навбатида ижтимоий нормаларга риоя этишга олиб боради. Шунингдек, маданий мослашишга спорт, саломатлик, дам олиш каби шахсий омиллар мутаносиблиги ҳам киради;

- маънавий мослашув психологик мослашувга жуда яқин ҳолат бўлиб, улар ўзаро кучли таъсирга эга. Талабаларнинг маънавий мослашуви маънавий қадриятлар жумладан, диний дунёқараш, рухий гармониянинг шаклланишига боғлиқ.¹¹

Ижтимоийлашув ёшлар учун қуйидаги сифатларни ўзида жамлаш асосида кечади.

- Шахс бўлиш ва шу сифатда эътироф этилиш;
- Жамиятдаги мавжуд нормалар, қадриятларни ўзлаштириш;
- Мустақилликка интилиш ва мустақил фаолиятга ўтиш;
- Жамиятдаги нормаларга мувофиқ хулқ-атвор установакаларига эгаллик.¹²

Ижтимоийлашув жараёнида талабалар жамиятга нисбатан мослашувчи ёки мосланувчи бўлиш хусусиятига эга. Агар бу икки хусусият амалий фаолиятда ижтимоий нормаларга мувофиқ келса, инсон хулқ-атворида адекват намоён бўлса, муваффақиятли ижтимоийлашув жараёнига эришилади. Бироқ, шундай муаммоли ҳолатлар ҳам учраб турадики, буни дисоциализация ёки антисоциал хулқ-атвор установакаларида кўришимиз мумкин. Бундай ҳолатлар жамиятнинг емирилишига олиб боришини бугунги глобаллашув шароитида, дунёда

¹¹ Черныш, Ю. А. Социология культуры, духовной жизни. Дисс. на соиск. кан. соц. н. – Москва: 2005 – С. 61

¹² Журнал социологии и социальной антропологии. 1999. Т. 2. Вып. 3 // <http://www.jourssa.ru/1999/3/5dudina.html>

айнан талабалар иштирокида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни айтиб ўтиш жоиз.

Ёшларнинг ижтимоийлашувидаги муаммоли (оғриқли) тус оладиган, энг долзар ва эътиборни кечиктириб бўлмайдиган нуқталар қуйидагилардир.

- ёшларнинг маънавий бузуқ, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиши;
- экстремистик экстремистик гуруҳлар таъсирига тушиб қолиши;
- жинойтчиликнинг ёшларга ҳар томонлама таъсири;
- зарарли одатларга муккасидан кетиш, жумладан алкоголизм, кашандалик, наркомания;
- хулқ-атвордаги деликвент ва девиант оғишларнинг намоён бўлиши жумладан суицид, тажоввузкорлик, гомосексуализм, садизм ва бошқалар.

Келтирилган муаммоли масалаларнинг ечими шахс шааклланиши учун қондирилиши шарт бўлган эҳтиёждир, шахс шаклланса юқоридаги муаммолар ечими шахс структурасидан келиб чиқади ва барчаси ўз ечимини топади. Шунинг учун шахсни шакллантиришқомил инсон ғояси асосида олиб борилиши самарали натижалар беради. Бундай ишлар юртимизда муваффақиятли олиб борилмоқда дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини ўз Конституцияси билан мустаҳкамлаб, жамият иқтисодий ва сиёсий тизимларни ислоҳ қилиш, миллий давлатчиликни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш йўлидан изчил одимламоқда. Кенг кўламда ислоҳ қилишнинг, ўз йўлини танлашнинг, туб ўзгаришлар ва жамиятни янгилашнинг ўзига ҳослиги давлат тўзилишининг муносиб концепциясини ишлаб чиқишда, республика аҳолисининг миллий-тарихий тажрибаси, турмуш ва фикрлаш тарзи, анъаналари, маросимлари ҳамда урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий ва сиёсий ўзгартиришларни амалга оширишнинг шакл ва методларида кўзга ташланади. Республикада туб сиёсий ва ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш учун ёш авлодга муносабат масаласини қайта кўриб чиқиш талаб этилади, чунки янги иқтисодий муносабатларни

жорий этиш жараёни жиддий зиддиятларга дуч келади. Янги иқтисодий онгнинг соҳиби, сўзсиз, ёшлар бўлиши лозим. Шу боис, давлат мамлакат ва халқ тақдири учун асосий масъулятни ўз зиммасига олиб, жамият олдига қуйидаги аниқ мақсадларни қўйди:

— ёшларни ижтимоий муносабатларнинг ранг-баранг шакллариغا ўтишга маънавий жиҳатдан тайёрлаш, уларнинг ўзгариб бораётган шароитга қийналмай, мослашишига кўмаклашиш;

— интеллектуал салоҳиятни илдам ривожлантириш ҳамда унинг ёш авлод томонидан фаолиятнинг исталган соҳасида эркин рўёбга чиқарилиши учун шароит яратиш;

— инсоннинг эркин ривожланиши ҳамда янги типдаги шахс қарор топиши учун моддий ва маънавий макон яратиб берувчи синалган механизмлар воситасида ёшларни ҳуқуқий ҳимоялашни кафолатлаш.

Бозор муносабатларига ўтилиши билан эскича қолипда фикрлаш барбод бўлди, кишиларнинг, шу жумладан, ёшларнинг дунёқараши ўзгара бошлади, шу муносабат билан ҳозирги пайтда ёшлар дунёқарашининг шаклланиши муаммоларини тадқиқ қилиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Мақсадларимизга эришиш, янги, демократик жамиятни куриш, ислоҳотларнинг тақдири ёшларимиз қандай маданий ва профессионал савияга эришганлигига, қандай идеалларга эътиқод қилишига, маънавий жиҳатдан қанчалик бойишига боғлиқ. Шу боис миллий тикланиш ғоясини амалга оширишга қодир янги авлодни тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Ёш авлод ижтимоий онгини илмий таҳлил қилиш учун доимо жамиятнинг алоҳида, мустақил ижтимоий-демографик гуруҳини ташкил қиладиган ёшларнинг ўзига ҳос жиҳатларини аниқлаш талаб этилади. Тарихий тараққиёт авлодлар алмашинуви орқали амалга оширилиши ҳамда мураккаб диалектик жараёндан иборатлиги маълум.

XX асрнинг сўнгги ўн беш йили ва XXI асрнинг бошида ҳаётга кириб келган ёш авлодга тарих жамиятни тубдан янгилаш, тараққиёт ва ходисаларни янгича тушуниш, эскича фикрлаш схемаси ва қолипларидан

чекиниш масалаларини хал этишда илғорлик билан иштирок этиш вазифасини юклади. Алоҳида, мустақил ижтимоий-демографик гуруҳ бўлган ёшлар муаммоларини тадқиқ этишнинг асосий методологик тамойили бу – конкрет-тарихий ёндашувдир. Ёшларга жамиятнинг таркибий қисми ва ўзига хос гуруҳи сифатида қараш керак. Айти маҳалда киши менталитети ва унинг хусусиятларини билмасдан туриб интеграция ҳамда ижтимоий қурилишни амалга ошириб бўлмайди. Унинг шаклланиши ва ҳолатини шу жамият доирасида, унинг ички хусусиятларидан келиб чиқиб таҳлил қилиш даркор.

Ёшлар ижтимоий маънода ҳам кучли, ҳам заиф жиҳатларни ўзида диалектик тарзда қовуштиргани учун уларда, бир томондан, ижтимоий фаоллик, юқори даражада таъсирчанлик ва янгиликни ҳис этиш, идеалга бўлган эҳтиёж, оламни ижодий қайта қуришга ташналик, муросасизлик, эҳтирослилик ва қизиққонлик ҳос, иккинчи томондан, сабрсизлик, бемулоҳаза танқид қилувчанлик ҳамда нигилизм - барча нарсани инкор этиш жиҳатлари кўзга ташланади. Бу ҳол ёшларнинг шаклланиб келаётган турмуш тарзи жуда мураккаб ходиса эканлигини исботлайди.

Ёшлар ўз тақдирини белгилаш ва ўзини қарор топтириш муаммоларини ўзлари ҳал этишади. Жамият томонидан тавсия этиладиган турмуш тарзи типини, ўз “ҳаёт услуби ни” танлаш имконияти шахснинг касбий соҳада ҳам, шахсий ҳаётда ҳам ўз тақдирини белгилаш муаммосини юзага келтиради. Бу муаммолар, гарчи улар га катталар ҳам дуч келиб туришса-да, айнан ёшлар учун долзарб ҳисобланади. Инсонда шахсият болалиқдан мавжуд эмаслиги аён экан, у табиий фазилатларга ҳамда хусусиятларга эга ҳолда туғилади. Улар кейинчалик ривожланиб бориб, уни ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида шахсга айлантиради. Шахс фаолият жараёнида шаклланади, бинобарин, инсоннинг мазкур фаолият орқали қарор топиш жараёни унинг психологик моҳиятини очишга кўмаклашади. Масалан, ҳар бир гўдак ҳам рассом бўлиш учун дунёга келмайди. Энг яхши психологик тавсиялар ҳам, педагогик методлар ҳам

буни ўзгартира олмайди. Бироқ, дунёга қадам қўяётган ҳар бир инсон муайян даражада бадиий ривожланиш салоҳиятига эгаллиги ва шу салоҳиятни очиш лозимлиги ҳам тоғри. Биз барча ёшларга гўё улардан рассомлар чиқадигандек қараймиз. Бундай шароитда энг истеъдодлилари ўз йўлини тез топиб олади, бошқалари эса ўз ниятларини ижодий ифодлаш борасида қимматли тажриба орттиради, санъатни теранроқ, тушунадиган ҳамда қдрлайдиган бўлади.

Бир томондан, ёшлар катталарнинг турмуш тарзига имкон қадар тезроқ, дахлдор бўлишга интилишади, бошқа томондан эса, ота-оналарига ўхшаб эмас, балки ўзича яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилади. Бир ҳолатда ёшларнинг фаоллиги ва тадбиркорлиги тўғрисида кўп гапирсак, бошқа жиҳатдан, уларнинг бир қисмининг кўпинча “эртанги фаоллик” деб аталмиш нарсага кўз тикишида, ўз хатти-ҳаракати учун масъулиятни зиммасига олишни истамаслигида ифодаланадиган инфантилизм ҳақида сўз юритамиз.

Юқоридаги қоидаларни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Ёшлар 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган, анча кенг потенциал имкониятларга эга бўлган инсонларни ўз ичига олувчи алоҳида, мустақил ижтимоий-демографик гуруҳдан иборат.

2. Ёшлар тушунчасининг таҳлили ижтимоий гуруҳ хусусиятлари, қадрият йўналиши, фаолият тури, турмуш тарзининг ўзига ҳослигини, таълим ва маданий савиясининг ўзгармас тавсифи билан чекланмаслиги лозим. Тадқиқ ва таҳлилда ёшларнинг барча хусусиятлари, тарихий вазият, жамият ривожланиши босқичларининг ижтимоий ўзгаришлар ҳамда янгилашлар вазифалари билан сабаб-оқибат боғланишлари аниқланиши даркор.

3. Бугунги кундаги объектив воқелик энг муҳим ижтимоий-демографик гуруҳ, тарихий жараённинг фаол субъекти бўлган ёшлар ҳақидаги назарияга содда тарзда ёндашишни истисно этади.

4. Ёш авлод шахсининг муайян давр ичидаги ўзгариши жараёни

динамикасини теран аниқлаб олиш лозим, чунки буни аниқ, тушуниб олмасдан туриб ёшларнинг иқтисодий фаоллиги, ижтимоий лаёқати ва маданий-техник салоҳияти даражасини юксалтириш мумкин эмас.

5. Хозирги пайтда жисмоний соғлом ва интеллектуал жиҳатдан ривожланган, меҳнат фаолиятдан манфаатдор, ўз потенциал имкониятларини тўлиқ, ишга солишга ҳамда ижтимоий фуқаролик бурчини лозим даражада бажаришга қодир бўлган етук ёш авлодни тарбиялаш республикамизда энг мухим вазифалардан бири ҳисобланади.

6. Ёшлар сиёсати жамиятда содир бўлаётган барча воқеаларни акс эттиради, бу эътибор ёшлар сиёсатининг роли ўта мухимлигидан далолат беради. Шу муносабат билан, назаримизда, олдимизда турган мухим методологик муаммолардан бири талабаларнинг ижтимоий ривожланиши диалектикасини улар мустақил ҳаётга кадам қуйганда дуч келадиган реал зиддиятларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилишдан иборат.

1.2. “Оммавий маданият” тушунчаси ва унинг моҳияти

Маълумки, “оммавий маданият” тушунчасини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилишда ҳозирги замонда долзарб бўлган бир неча фанларнинг тизимлашган услубиётидан фойдаланиш зарур бўлади. Оммавий маданият инсоният маданиятининг таркибий қисми сифатида ундаги хусусиятларни ўзида намоён этади. Эркин фуқаролик жамиятда “оммавий маданият” ҳуқуқ доираси ва жамоатчилик фикри таъсирида шаклланади. “Оммавий маданият” одамларнинг асрлар давомида шаклланган турмуш тарзига ўзгартириш киритди. Унинг таъсирида ижтимоий-маданий муносабатлар соддалаштирилди, яъни киши ўзлигини англаш учун доимий равишда ўз устида ишлаши муҳим бўлмай қолди. Мазкур маданият одамнинг жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши, миллатидан қатъи назар, феъл-атвор, турмуш тарзи, мансабга эришиш, кишилар ўртасидаги муносабатларда ўзини қандай тутиши тўғрисида умумий ва содда тасаввурлар шаклланишига йўл очди. Мазкур тадқиқотда “оммавий маданият” – маданият мавжудлигининг мураккаб, ҳамма вақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли эканлиги асосланган. Шунингдек, бугунги глобал ўзгаришлар шароитида “оммавий маданият” таҳдиди, мураккаб ижтимоий воқеликка очиқ кўз билан реал ва хушёр қарашни, жаҳон ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ҳамда хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда.

Ҳозирда “оммавий маданият”нинг муҳим белгиси инсон фаолиятини узлуксиз абсурд хатти-ҳаракатга йўналтириш, ундаги кўнгилхушлик, лаззатланиш туйғусини жунбушга келтириши билан характерланади. “Оммавий маданият” ибораси XX асрнинг иккинчи ярмидан қўллана бошланган бўлса-да, унинг ижтимоий-тарихий илдизлари жуда узоқ асрларга бориб тақалади. Айрим ҳолларда “оммавий маданият” уруш, босқинчилик, зўравонлик, мажбурлаш йўли билан ўзга юртларда жорий этилганлиги тарихий далиллар билан асослаб ўтилган. “Оммавий

маданият” феномен сифатида жамиятда оммалашиб, тарқалувчи жараёнларни вужудга келтиради Масалан, миллатлар келажига ижобий таъсир қилувчи жараёнлар, яъни мамлакатларнинг ўлмас ва бебаҳо кадриятларининг тарқалиши билан бирга, жамият учун салбий таъсирга эга бўлган ҳодисалар ҳам оммавийлик асосида тарқалади. “Оммавий маданият” янги даврда турли иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, илмий-техник омиллар таъсирида юзага келган ҳамда бир нечта босқичдан ўтиб индустриал ва постиндустриал жамият маданиятининг кенг миқёсли соҳасига айланган. Шунинг учун мавзу доирасидаги илмий адабиётларда кўйидаги ёндашувлар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилади:

1. “Оммавий маданият”ни оммавий жамият таҳлили контекстида кўриб чиқиш (Н.Бердяев, Г.Лебон, Г.Тард),

2. Омма назарияси билан боғлиқ равишда маданият сифатида таърифлаш, “бир хил ўлчамдаги одам”ни тарбиялаш (Г.Маркузе) каби ёндашувлар шулар жумласидан.

Маълум бўладики, бугунги кунда “оммавий маданият”нинг шахс ривожига таъсири ва замонавий оламда тутган ўрни ҳақида ягона қараш мавжуд эмас. Ҳатто замонавий постмодернистик қарашлар тизимида ҳам (Р.Барт, М.Бланшо, Ж.Бодрияр, Ж.Делез, М.Фуко, У.Эко) “оммавий маданият” мураккаб ижтимоий воқеликнинг тури сифатида талқин қилиниб, унга классик таҳлил схемаларни қўллаб бўлмайди, деб баҳо берилади. Бизнингча, замонавий “оммавий маданият” инсон ва жамиятга амбивалент таъсир кўрсатмоқда. Бир томондан, у ривожланган давлатларда ижтимоий-маданий инновациялар тарқалишига, кундалик ҳаётда қўшимча қулайликлар яратилишига асос бўлаётган бўлса, бошқа томондан, асосан, ишлаб чиқаришнинг техник воситаларига, ҳаётнинг ахборот ва техник жиҳатларига таяниб, жамиятни табиатдан ажратмоқда ҳамда миллий маданий анъаналарни инкор (ёки вайрон) қилмоқда. Шунингдек, бу маданият шакли ўзида оммавий коммуникация воситаларини қўллаб, ҳар қандай ғоя, ҳар қандай муаммо, ҳар қандай

ходисани омма даражасига олиб чиқиб, бу билан инсонни ҳам, воқеликни ҳам ўзининг ҳақиқий даражаси ва аҳамиятидан маҳрум бўлишига олиб келмоқда.

Ўзбек олимларининг ҳам “оммавий маданият”га оид мустақил фиклари мавжуд. Жумладан, М.Қуронов ва Ф.Эсонбоев “оммавий маданият” таҳдидларига куйидагича таъриф берадилар: “Оммавий маданият” бирор халқ ёки миллатнинг маданияти эмас. Агар у бирор-бир халқ ёки миллатга мансуб бўлганида эди, уларнинг тарихий ва замонавий идеаллари асосига қурилган бўлар эди. Ҳеч шубҳасиз, бундай идеаллар ҳар бир халқ ва миллат маданиятида бор. “Оммавий маданият” – роботдек бир хил ўйлайдиган, бир хил нарсага қизиқадиган ўртамиёна одам маданияти¹³.

Муаллифлар бу фикрлари билан “оммавий маданият”нинг характерли хусусиятини ёритиб берганлар. Ушбу фикрга қўшимча қиламиз: “Оммавий маданият” туб моҳиятига кўра миллий маданиятларнинг кушандаси бўлиб, у маданий хилма-хилликни хушламайди, у оламни ўз тамойиллари орқали кўришдан иборат мураккаб ижтимоий воқелик сифатида намоён бўлади.

“Оммавий маданият” даврлар ўтиши билан ўз асосига ижобий ҳодисалардан кўра, салбий жараёнларни мужассамлаштира борди. Натижада унинг тарғиботчилари миллатлар тақдирини таназзулга юз туттирадиган ахлоқсизлик ғояларини тарқатиш ва оммалаштиришда “оммавий маданият”ни ниқоб қилиб олди. Шундай экан, айти пайтда, “оммавий маданият” ҳодисасини объектив жараён ва ниқоб сифатидаги турларини ўзаро фарқлаш зарур. Шу билан бир қаторда, “оммавий маданият” тарқалишининг асосий ижтимоий сабаби Ғарбдаги анъанавий қадрият ва маънавиятнинг инқироз сари юз тутиши билан боғлиқ. Шу маънода, “оммавий маданият” маънавий-мафкуравий таҳдидларнинг “беозор”, кишиларни оҳанрабодек ўз домига тортувчи энг хавфли

¹³Қуронов М., Эсонбоев Ф. Гибрид олмадан, гибрид одамгача. - Тошкент: Муҳаррир, 2010. –Б.13

кўриниши бўлиб, бунинг сири унинг таъсир кўрсатиш усул ва воситалари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

“Оммавий маданият” объектив жараён сифатида ўрганилиши вақтида халқ маданияти анъанавий шакллари унинг ўрнини эгаллаган алоҳида маданият тури сифатида ҳам тушунилган. Аслида “оммавий маданият” ўз истемолчиларида ҳақиқий воқелик тўғрисида пассив тасаввурларни шакллантирадиган маданият шакли сифатида баҳоланиши керак. Шунингдек, “оммавий маданият” таҳдидлари ҳақиқий маънодаги миллат маданиятидан фарқ қилиб, ўз шаклланиш жараёнида миллий тараққиёт ва инсоннинг маънавий юксалишига хизмат қилмайди. Шунинг учун ҳам “оммавий маданият” гомоген аудиторияга йўналганлиги, ҳис-туйғуларга, жамоага таяниши билан ажралиб туради.

“Оммавий маданият”нинг тузилиши ҳақида гапирганда, асосан, жамият ўрта қатламининг “оммавий маданият” ғоясига эргашишдаги асослари ҳақида тўхталиш ўринли бўлади. Яъни, булар:

- 1) оммавий ғоя;
- 2) оммавий асарлар (маҳсулотлар);
- 3) оммавий тарғибот;
- 4) оммавий онг.

“Оммавий маданият” инсоннинг ўзига эмас, унинг онги, ҳиссиёти, дунёқараши ва маънавиятига катта таъсир ўтказди. Чунки “оммавий маданият” таҳдидлари ҳеч қачон маданият шакли бўла олмайди, унинг асосий ғоялари ахлоқсизлик томон йўғрилган бўлади.

Биринчи Президентимиз таъбирлари билан айтганда, фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилишимиз лозим. Ҳаёт инсониятга Аллоҳ таоло томонидан ато этилган қадрли неъматлардан бири бўлиб, ёшлик ва ўсмирлик даври киши ҳаётининг энг жўшқин палласидир. Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларининг бирида: “Ёшлик даврингизни кексалик келишидан

олдин ғанимат билинг” деб, унинг қадрига етиб яшашни таъкидлаганлар. Ёшлик даврининг эътиборга молик жиҳатлари жуда кўп. Ўспиринлик вақти инсоннинг феъл-атвори ва руҳияти шаклланадиган асосий давр бўлиб, айти шу даврда уларга алоҳида аҳамият қаратмоқ лозим. Жумладан, ёшларни аҳли солиҳ кишилар билан дўст-у биродар бўлишларини таъминлаш зарур.

Халқимизда: “Қозонга яқин юрсанг қораси юқади” деган нақл ҳам бор. “Оммавий маданият” таркибидаги кишиларнинг дастурий қарашлари шундайки, улар инсонни эмас, аксинча, нарсалар ва буюмларни эъзозлашади. Маънавий дунёни эмас, маиший-истеъмолчилик ҳис-туйғуларини қадрлайдилар ва уларни кенг оммалаштиришга интиладилар. Ислом дини инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олар экан, унда қийиниш ҳам инсон ҳаётининг муҳим соҳаси ҳисоблангани учун бу масала ҳам бошқалари қатори етарли даражада тартибга солинган ва йўл-йўриқлар кўрсатилган. Аллоҳ таоло “Аъроф” сурасининг 26-оятда шундай марҳамат қилади: “Эй одам болалари, биз сизларга авратларингизни беркитадиган либосни ҳам, ясан-тусан (либосини) ҳам туширдик. (Ҳаммасидан) яхшироқ либос тақво либосидир. Бу–Аллоҳнинг (фазлу марҳаматига далолат қилгувчи) оятларидандир. Шояд эслатма (панд-насихат) олсалар”.¹⁴

Ислом дини нуқтаи назаридан қараганда, либосдан кўзланган мақсад авратни беркитиш ва безанишдир. Шу сабабдан инсонлар авратини беркитиб, инсонга зийнат берадиган либосларни кийиб юришлари лозим. Ғарб жаҳмияти маънавий ҳаётида эса инқироз тушкунлиги туфайли бузғунчилик, оммавий невроз, ахлоқсизлик, тажовузкорлик каби ҳолатлар намоён бўлиб, тобора хатарли тус олмоқда.

¹⁴Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. – Тошкент: Шарк, 2013.- Б 455.

Бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган ва ўзида турли кўринишларини акс эттираётган оммавий маданият ўтган асрнинг иккинчи яримида Ғарб мамлакатларида шаклланди. Уни Ғарбда “популяр” ёки қисқартирилган ҳолда, “поп-культура” (яъни “оммавий маданият”) деб аташди. Оммавий маданият ўз навбатида Ғарбда чуқур илдиз отиб, Шарқ мамлакатларига ҳам ўзининг таъсирини кўрсата бошлади. Шу билан бир каторда Ғарбдан кириб келаётган оммавий маданиятнинг турли кўринишлари мамлакатимиз ёшларимиз орасида илдиз отиб, уларнинг маънавиятига, тафаккурига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Ёшларни бундай салбий иллатлар таъсиридан сақлаш, миллий, маънавий онги ва маданиятини юксалтириш бугунги кунда биз ёшларни олодимизга қуйган устивор вазифаларимиздан биридир. Биз қуйда оммавий маданият ва унинг тарихига қисқача назар ташладик. Гарчи “маданият” деб аталса-да, аслида, туб мазмун-моҳиятига кўра “оммавий маданият” чинакам маданиятнинг кушандасидир. Мутахассисларнинг фикрича, ҳали илм-фанда “антикультура” (“ғайримаданият”) деган илмий тушунча шаклланмаганлиги учун “оммавий маданият” тушунчаси, ночорликдан қўлланилмоқда. Чунки “оммавий маданият”, аслида маданиятсизлик, яъни маънавиятсизлик ва ахлоқсизлик билан бир хил маънони англатади. “Оммавий маданият” шу боисдан энг аввало, юксак истеъдод ва ўлмас маънавий-ахлоқий ғоялар етакчиси бўлган мумтоз маданиятга, санъатга, унинг бойликларига қарши тиш-тирноғи билан курашиб, уни инкор этиб келади. Ғарб дунёсининг ўзидаги файласуфлар, социолог олимлар, “Бизга “Тўққизинчи симфония” (Бетховен) керак эмас!” ёки “Мона Лиза”ни лойга қориштирамиз!” каби жаҳолатпарастликка асосланган хитоблар “оммавий маданият” тарафдорлари ва мухлисларининг дастурий қарашлари негизини ташкил этади, деб фикр билдирадilar.

Таассуфли жиҳати шундаки, гоҳида ниҳоятда истеъдод ва иқтидор эгалари ҳам “оммавий маданият” тарғиботчиларининг таъсирига тушиб, унинг тегирмонига сув қуймоқда. Рассом Салвадор Дали Леонардо да

Винчининг “Мона Лиза” (“Жаконда”) асарини кулги қилиб, Мона Лиза лаблари устига мўйлов чизган ва “Мўйловли Жаконда” асарини яратиши юқорида билдирилган фикрларни яққол далилидир. Тадқиқотчиларнинг фикрича, мана шундай “аччиқ истехзоли, қора мазмунли кулги” – “оммавий маданият” фаолиятининг энг етакчи белгиларидан биридир. “Оммавий маданият” тарафдорлари қора, захарханда, беҳаё кулгуни “исён ифодаси” деб билишади. “Нимага қарши исён” деган савол туғилади. Агар “поп-маданият” дунёга “эхсон” этаётган “поп-арт” (“тасвирий санъат” деса ҳам бўлади), поп-натижаларига қараб ҳукм юритадиган бўлсак, улар инсоният яратган барча қадриятларни исёнкорлик билан инкор этади, юксак маданиятни, маънавиятни, ахлоқни, юксак орзу-мақсадларни менсимайди.

Жумладан, “оммавий маданият” намояндаларидан бири Карл Ман атроф-борликда, маиший ҳаётда мавжуд барча нарсалар¹⁵ (мисол учун, консерва банкалари, синиқ тиш чўткалари, машина, водопровод кабиларнинг занглаган бўлаклари, турли суратлар, журнал-газета қийқимлари ҳам) ҳаёт бағридан алоҳида ажратилиб, уларга муайян тартиб берилиб, одамлар назарига тutilса, бу оддий чиқиндилар археологик қазилмалар чоғида топилган қадимги юнонлар даврига хос осори атиқалардай ўзгача аҳамият касб этиб, “санъат, маданият намуналари” қаторидан ўрин олишини такидлайди.

“Оммавий маданият” тарафдорларининг дастурий қараши шундайки, улар инсонни эмас, аксинча, нарсалар ва буюмларни эъзозлашади; маънавий дунёни эмас, маиший-истеъмолчилик ҳис-туйғуларини қадрлайдилар ва уларни оммалаштиришга интиладилар. Уларнинг маънавий позицияси - маънавиятни ўлдириш ва “нарсаларга қуллик” ни рағбатлантиришдир. Американинг таниқли адиби Р. Бредбери айтганидек, “оммавий маданият” мактабидан ўтган авлод учун ҳаётнинг маъноси -

¹⁵Мамадиев Б. Глобаллашув – у инсонни таназзулга бошлайдими? // Маърифат. – Тошкент. 2008. - № 32. –Б. 16.

автомобиль, телевизор, музлаткичга эга бўлиш. Агар телевизор иккита бўлса, уларга шунча яхши.

Аниқроғи, “санъатсиз сўз”, яъни ёввойи, дағал, тарбия, ахлоқни хуш кўрмайдиган “кўча сўзлари”га мойил. Лекин улар хоҳлайдими-йўқми, айнан Ғарб оламида бемаза қовуннинг уруғидай кўпайиб, томир отаётган “оммавий маданият” таъсирида “оммавий адабиёт” ҳам дунёга келмоқда. Ва бу “адабиёт” “оммавий маданият” нинг тубан маъзмун моҳияти ва ғоялари тарғиботига хизмат қилмоқда. Афсуски, ер юзидаги ахборот алмашинуви мислсиз тезлашган ҳозирги глобализм шароитида, Ғарбдаги “марказлар” бундан фойдаланиб, бошқа давлатлар ва халқлар ўртасида Ғарб ҳаёти “жозибалари”ни, жумладан, “оммавий маданият” таъсирини “эркинлик шабадалари” тарзида имкон қадар кенг ёйишга енг шимариб ҳаракат қилмоқдалар. АҚШнинг таниқли сиёсатшуноси Збигнев Бжезинский шундай ёзади: “Маданият соҳасида Америка жаҳон ёшлари орасида алоҳида жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бу эса АҚШга жаҳоннинг ҳеч бир давлатига насиб қилмаган сиёсий таъсирни таъминлайди. Айниқса, Американинг телевизион дастурлари ва фильмлари жаҳон бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллайди. Унинг оммабоп мусиқаси, америкаликларнинг қизиқишлари, овқатланишларидаги одатлари ва ҳатто, кийинишларига бутун дунёда тақлид қиладилар”¹⁶. АҚШ сиёсати ва мафкураси намояндалари ўз мамлакатлари манфаати, сиёсати ва турмуш тарзини фақат китоблар, публистик чиқишлар орқали тарғиб этиш билан чекланмайдилар. Дунё халқларини “ғарблаштириш”га уринишлар қуроли сифатида, масалан, “оммавий маданият» воситаларидан, турли-туман ахборот тарқатиш (реклама, матбуот, кино, телевидения, интернет каби) йўлларида зўр бериб усталик фойдаланилмоқда.

¹⁶Мамадиев Б. Глобаллашув – у инсонни таназзулга бошлайдими? // Маърифат. – Тошкент. 2008. - № 32. –Б. 56.

Биз юқорида оммавий маданиятнинг бир неча кўринишларига таъриф беришга ҳаракат қилдик. Ўзбек халқининг бетакрор маданияти, азалий маънавияти, жаҳон андоза олса арзийдиган ахлоқий камолоти четдан бўладиган ҳар қандай салбий таъсир ва тазйиқни енгишга қодир. Айрим хорижий кучларнинг ёшларимиз орасида ватансизлик, эгоцентризм, беҳаёлик иллатларини ёйишга уриниши пировардида пучга чиқади. Бирок, маънавият ва тарбият масаласида бепарволик, лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Бинобарин, Ўзбекистон халқининг энг фаол, энг етук қисмига мансубман дегувчи ҳар бир соф виждонли киши маънавиятни сақлаш, авайлаб асраш ва бойитиш учун масъулдир. Бу масъулият ҳукумат ё маъмурият томонидан юкланмайди. Буни миллий ғурур, шаън ва орият тақозо этади.

Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди. Бундан англашиладики, биз унинг кириб келиб, таҳдид солганини сезмай қолишимиз мумкин. Сабаби унинг юзи, кўзи, кўриниши, сўзлаши бизга дўстдек кўринади. У ана шундай гўзал ниқоб остида кириб келади. Дўстдек, меҳрибон, мурувватли кўмакдошдек кўриниб туриб, юрагимизга пичоқ санчиб кетганини, кўзимизга кулиб қараб туриб ўлдириб қўйганини сезмай қоламиз. Шу жиҳатдан “оммавий маданият” нинг ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатишга, маънавиятимизга – келажакимизга таҳдид солишга қаратилган шаклларини аниқлаб, ана шуларга қарши курашмоғимиз керак бўлади. Бугун ёшларимиз ўзига хос “тушунчалар уруши” шароитида яшамокдалар. “Оммавий маданият” ота-боболаримиз “қора” деган нарсаларни “оқ”, “оқ” деган нарсаларини “қора” деб уқтирмоқда. У қора юзига оқ ниқоб тақиб

олиб, қора ниятларини амалга оширмоқда. “Оммавий маданият” нинг пайдо бўлиши ва ривожлана бошлаши XIX аср охири ва XX аср бошларига тўғри келади. “Оммавий маданият” анъанавий маданиятнинг маълум йўналиши сифатида эмас, балки маданиятдаги сифат ўзгариши, хаёт тақозаси асосида юз берди. Оммавий ахборот ва коммуникация (радио, кино, телевидение, кўп нусхали газеталар, суратли журналлар, интернет) воситаларининг кескин ривож ва тарқатилиши бунга сабаб бўлди. Маънавий бойликларни индустриал тижорат ишлаб чиқариш ва тарқатиш, маданиятни демократлаштириш, аҳоли билим даражаси ўсиши билан бирга унинг маънавий эҳтиёжларида пасайиш жараёни кузатила бошлади.

Анъанавий маданиятда бўлганидек, “оммавий маданият” нинг ҳам универсал характеристикаси ҳамон мавжуд эмас. Буни шундай тушунтириш мумкин. Гап шундаки, “оммавий маданият” илмий-фалсафий категория сифатида ўзига яқдил учта тушунчани қамрайди. Биринчидан, “маданият” – алоҳида характердаги маҳсулот. Иккинчидан, “оммавийлик” – маҳсулотни тарқатиш меъёри. Учинчидан, “маданият” – маънавий бойлик. XX асрнинг биринчи ярмида дунё мамлакатларида ҳам аҳоли сони кўпая бршлади, ҳам ана шу аҳолини боқиш учун капитални кўпайтириш иштиёқи туғилди. Бу иштиёқни қондириш учун турли-туман ихтиролар қилиш авж олди. Умуман, XIX асрда жуда кўп нарсалар ихтиро қилинди. Ихтиро қилинган ҳар қандай нарса (восита) қўл меҳнатини сиқиб чиқариш ва тезкор бойлик орттиришга қаратилган эди. Илгари қўл меҳнати орқали бир кунда 10 та маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу даврга келиб, соатига 10 тадан маҳсулот ишлаб чиқарила бошлаган. Натижада керагидан ортиқ маҳсулотлар миқдори кўпайди. Йирик давлатларда ана шу ортиқча молни қандай қилиб бўлмасин, кимгадир сотиш муаммоси пайдо бўлди. Ўша даврдаги ривожланган давлатларда шундоқ ҳам барча маҳсулот етарли бўлган. Шунинг учун ортиқча маҳсулотни кичик давлатларга сотишни йўлга қўйиш лозим эди. Хўш, буни қандай амалга оширилди? Бунинг учун ўша майда давлатларни босиб олиш, босиб олинган ҳудуд

аҳолисига ортиқча маҳсулотни сотиш, ўша ҳудуддаги бойликларни олиб чиқиб кетиш керак, деган ечим топилди. Шу орқали ҳар томонлама бойликка эга бўлиш ва дунёни бошқариш кўзланди. Босиб олишга-ку босиб олинди, аммо улар мустамлакачи давлатнинг маҳсулотларини қабул қилишмади. Ўз маданиятларидан воз кечишни хоҳлашмади. Шу вазиятда “оммавий маданият” аталмиш тушунча яратилди. Ана шу тушунча орқали мустамлакалардаги, умуман жаҳондаги барча халқларнинг ўз маданиятидан жудо қилиб, уларга сохта янги маданият – “оммавий маданият” ни сингдириш ўйлаб топилди. Манипуляция билан кичик-кичик халқларни маданий бўйсундиришга киришилди. Масалан, бир мамлакатда аҳоли ароқ ичмайди. Манипулятор ўша халққа ароқ ичиш маданият эканлигини сингдиради ва аввал ароқни текин тарқатиб, кейинчалик сотиб, халқни ароқ ичишга ўргатади. Ароқ эса манипулятор томонидан ишлаб чиқарилади, холос. Ароқ ичишни одат қилган, уни йўқотишдан қўрққан “маданиятли” халқ ароқ ишлаб чиқараётган давлатни йўқотгиси келмайди. Қарабсизки, ўз-ўзидан бу халқ манипуляторга ўзи билмаган ҳолда бўйсундиришга мажбур бўлади. Ўзлигини йўқотиб, ўзгаларнинг ноғорасига ўйнай бошлайди. Хуллас, оммавий маданият одатда киборлар ёки халқ маданият қадриятларига нисбатан камроқ бадиий қадрга эга ва у оммавий истеъмолга мўлжаллаб маданий қадриятларни ишлаб чиқишни ифодалайди ҳамда у индустриал жамиятларга хосдир. “Оммавий маданият” барча одамларга қаратилган бўлиб, муттасил равишда кундалик ҳаёт учун ишлаб чиқилади ва оммавий муомала воситалари фаолиятида ёрқин намоён бўлади. Дарҳақиқат, “Оммавий маданият” нинг миллатлар, жумладан, ўзбеклар онги ва қалби учун ҳамлалари анча олдинроқ бошланганга ўхшайди. “Шум бола” фильмини бир эслайлик. Унда бир европалик Тошкентга келиб, ўзбекларнинг бир тангасини олиб, эвазига “ойнаи жаҳони” дан яланғоч аёл суратини кўрсатади. Ўшанда бола “Кўрқаман”, деб кўзини олиб қочади. Ҳозир ўша жанобнинг неваралари боболари касбини давом эттиришаётир. Бу ишни индустрияга

айлантиришди. Унинг номини “Оммавий маданият”, яъни яхши, ҳаммабоп, ҳаммага тушунарли маданият деб аташди. Юксак маданият юқори дидни, бадий меҳнатни, тайёргарликни талаб қилади. Афсуски, баъзи театрларимиз учун репертуар сиёсатини белгилашда одамлар дидини юқорига, юксакка кўтариш йўлини эмас, балки одамларнинг орқасидан эргашишга мойилликни кўрсатмоқдалар. Бу кассага тушумни кўтариши мумкин. Лекин бебаҳо миллий маънавий бойлигимиз – ўзбекистонликларга хос юксак бадий дид даражасини ўртамиёна, оммабоп, “бизларга шу ҳам бўлаверади”, – дейдиган даражагача тортиб тушириши, пасайтириб юбориши мумкин.

“Оммавий маданият”нинг кескин ривожини XX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Шу вақтдан бошлаб у кенг қамров ва ҳужумкорлик билан тарқала бошлади. Оммавий ахборот ва коммуникация (радио, кино, телевидение, кўп нусхали газеталар, суратли журналлар, интернет) воситаларининг кескин ривожини ва тарқатилиши – глобаллашув жараёни бунга сабаб бўлди.¹⁷ Чунки глобаллашув даврида ҳар қандай жараён дунёнинг у четидан бу четига тез суръатлар билан кўчиб ўтишини инкор эта олмаймиз. Энг умумий маънода, глобаллашув муайян ҳодиса, жараённинг барча минтақалар, давлатлар ва бутун Ер юзини қамраб олганини ҳамда уларнинг инсоният тақдирини дахлдор эканини англатади. Глобаллашув жараёнининг ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий сабаби эса, бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан чамбарчас боғланиб бораётганидир. Бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмайди. Бу борада ҳинд халқининг давлат арбоби Махатма Гандига “Глобаллашув жараёнига қандай қарайсиз?” деган саволни беришганда, у шундай маънода жавоб берган экан: “Мен

¹⁷ Мамадиев Б. “Оммавий маданият” – маънавият кушандаси // Маърифат. – Тошкент. 2008. - № 4. – Б 16.

ташқаридаги бўрондан кўрқиб, деразамни ёпиб қўя олмайман, чунки менга тоза ҳаво ҳам керак. Шу билан бирга, тоза ҳаво керак экан, деб деразамни катта очиб ҳам қўя олмайман, чунки уйимни чанг-тўзон босиб кетишини ҳам хоҳламайман”.

Демак, биз ўша кириб келаётган воситаларга фильтр ўрнатишимиз керак, холос. Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати унинг мафкуравий таъсир ўтказиш кўламини ҳаддан зиёд кенгайтириб, беқиёс даражада тезлатиб юборганида ҳам кўринади. Мана шундай вазиятда, одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий кадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол. Шундай экан, биз ҳам оммавий маданият билан “Оммавий маданият” нинг фарқига боришимиз ҳамда “Оммавий маданият” нинг аянчли оқибатларининг олдини олиш учун курашишимиз лозим. Бунинг аянчли оқибатлари эса маълум: ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларининг кенг тарқалиши. Демак, бу тушунчанинг салбий эканлигини халқ орасида тарғиб қилиш ва бу бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш бугун шу соҳа вакилларининг асосий вазифаларидан бири экан.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Айтиш мумкинки, айрим сиёсий кучлар ўз мақсадларини миллатлар манфаатига ёт бўлган мафқурали таҳдидлар орқали амалга оширишга қаратишган. Аслида уларнинг бу харакатини бузуклик, зўравонлик ғоялари бойлик орттириш, халқларнинг неча минг йиллик анъана ва кадриятларини кўпориш, йўқ қилишга уриниш деб баҳолаш лозим. Келажак эгаларини халқимиз маънавиятига ёт “Оммавий маданият” нинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда. Бунинг учун аввало уларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва кадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш, ёшларни ахборот-ресурс марказларига, маданий-тарихий ёдгорлик масканларига, театр ва кўрғазмаларга жалб этиш, баркамол авлодни билимли, соғлом ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатга эга инсонлар қилиб тарбиялаш, улар онги ва қалбида мафқуравий иммунитетни шакллантиришда барча бирдай масъулиятни ҳис этмоғи лозим. Бинобарин, ўсиб келаётган авлодни шундай тарбиялашимиз керакки, улар ахборот маконига кирганда, фақат ўзи учун зарур ва фойдали нарсани олсин, интернетдан фойдаланиш маданиятини ўргансин. Бу масалада интернет тизими орқали менталитетимизга мутлақо ёт мафкура ва дунёқарашни ёшларимиз қалби ва онгига сингдиришга уринаётганлар борлиги, айниқса, хатарли эканлигидан барчамизни огоҳ бўлишимиз зарур. Зеро, биз бу масалада ҳамиша огоҳ ва ҳушёр турмасак, мафқуравий хуружлар, аввало, ёшларнинг онгини захарлаши, “Оммавий маданият” деб аталаётган иллат халқимизнинг маънавий бойлиги бўлган одоб-ахлоқ, ибодат, ор-номус, ирода, шарм-ҳаё, ифбат-андиша каби фазилатларимизни нурсизлантириб, кўп мингйиллик миллий кадриятларимизга путур етказишимиз мумкин.

Кўп нарса интернетнинг бой ахборот ресурсларидан ким ва қандай мақсадларда фойдаланишига боғлиқ. Шу ўринда ҳар қандай ахборот хуружлари, “Оммавий маданият” хавфидан ҳимояланмаган сайтлар, ижтимоий тармоқларнинг салбий таъсиридан бутун миллат, айниқса, ўсиб

келаётган ёш авлодни ҳимоя қилиш ҳар бир онгли инсоннинг муқаддас бурчи эканини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан ютуқларнинг негизда турган асосий омил инсондир. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”, деган сўзлари бир аср аввал миллатимиз учун қанчалик муҳим ва долзарблик касб этган бўлса, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган даражада улкан зиён етказиши мумкин. Бу таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, илмий асосда пухта ташкил этилган, узлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш талаб этилади. Давр шиддатига ҳамоҳанг қадам ташлаётган ёшларимиз миллий маънавиятимиз асосида тарбия топса, одоб-ахлоқ тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди. Зеро, ҳар қайси давлатнинг ёшлари унинг эртанги кунини, тақдирини белгиловчи куч бўлиб саналади.

II БОБ. “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ТАҲДИДЛАРИНИНГ ЎШЛАР ХУЛҚ-АТВОРГА ТАЪСИРИ

2.1. “Оммавий маданият” девиант хулқ-атворнинг мафкуравий асоси сифатида

Маълумки, инсоният тарихининг дастлабки даврларида ижтимоий девиантлик ва хулқ-атвор оғишининг юз бериш жараёнлари ахлоқсизлик сифатида қаралган ва асосан диний меъёрлар орқали тартибга келтириб турилган. Ҳозирги кунда “оммавий маданият” номи билан танилган ижтимоий ҳодиса инсонларга айнан турли жиҳатлардаги ахлоқсизликнинг етказувчи механизм бўлиб гавдаланмоқда. Натижада кишилар хатти-харакатида жамият ҳаётини издан чиқаришга йўналтирилган хулқ-атвор – девиантлик содир бўлиши кучаяпти. Тўғри, “оммавий маданият” тушунчаси истеъмомга киритилгунича ҳам инсоният тарихида девиантлик ҳодисаси турли-туман кўринишларда мавжуд бўлиб келган ва унга нисбатан салбий муносабатлар ҳам шаклланган. Жумладан, қадимда Турон халқлари ҳам қадим қадимдан ижтимоий девиантлик ҳолатларига салбий муносабатда бўлишган ва ушбу муносабат зардуштийлик, будда ва бошқа қадимги Туронда мавжуд бошқа диний таълимотларда акс этган. Ўрта асрларга келиб насронийлик Оврупо халқларининг ижтимоий сиёсий ва маданий ҳаётини черковга бўйсундирди, ҳамма соҳалар бўйича черков назорати ўрнатилди. Бу билан илм-фан ва санъат черков белгилаб берган чегаралар доирасидагина ривожланишга маҳкум этилган эди. Ислом динида эса, айниқса тасаввуфни вужудга келиши туфайли муайян маънода хурфикрлик мавжуд бўлиб, илм-фан ва санъат тараққиётига кенг йўл очилди.¹⁸ Натижада қадимги дунё мумтоз ахлоқшунослиги ижтимоий девиантликка қарши кураш сифатида илгари сурган ғояларни ривожлантириш, у ўртага ташлаган муаммоларни ҳал этиш, ўша давр ва кейинги даврлар учун долзарб бўлган муҳим назарий ҳамда бадий-

¹⁸ Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети. 2016. Б-624.

ахлоқий асарларни яратиш, асосан мусулмон Шарқи алломаларининг зиммасига тушди.

Ушбу даврда Ватанимиз ҳудудидан кўплаб мутафаккир-энциклопедист олимлар етишиб чикдилар. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Муҳаммад Ал Хоразмий, Рбу Райхон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захириддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизнинг ривожлантиришга улкан хисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жaxon цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалар ҳозирги кунда бутун дунёга маълум. Буюк ватандошларимиз кўрсатиб ўтганларидек, инсонга уни гўзал аъмоллар қилиш учун йўналтирилган одат махсули бўлмиш етук хулқ лозим. Хулқнинг яхшилиги хатти-ҳаракатларида меъёр қай даражада сақлангани билан боғланади. Алломалар ўз асарларида ахлоқий фазилатларга таъриф беришган ва бу фазилатларга ифбат, хикмат, шижоат, адолат, саҳийлик, қаноат, қатъият, садоқат, ҳаё, камтарлик ва бошқалар тааллуқлидир. Шунингдек, уларнинг акси бўлган меъёрдан оғувчи холатлар – ўғрилиқ, алдамчилик, фисқу-фасод, нафрат, рашк, адоват, фаҳш, ҳаёсизлик, бўҳтон, иродасизлик, такаббурлик, нодонлик каби иллатларни ҳам тавсифланади. Демак, илм-фанда фақат фазилатлар эмас, балки иллатлар ҳам ўрганилиши зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, илгари мавжуд бўлган деваинтлик турларининг кўпайиши “оммавий маданият” таъсирида бугунги кунда янада ҳам авж олиши кузатилмоқда. Хусусан, юқоридаги фикрларга таяниб, девиант хулқ-атворнинг асосий турларини таснифлаш мумкин бўлади ва ҳозирда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш устувор масала ҳисобланади:

1. Жиноятчилик. Жамият барқарор ривожланишига жиддий хавф-хатар пайдо қилувчи ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг таҳдидини таъсир доираси ҳуқуқий қонунлар асосида белгиланади. Жиноятчилик кўламнинг кенгайиб бориши ҳар қандай жамият ижтимоий-иқтисодий ва

сиёсий барқарорлигининг жиддий кушандаси ҳисобланади. Дастлаб майда безориликдан бошланган қонунбузарлик уюшган жиноий-криминал гуруҳларни пайдо бўлишига пойдевор бўлади. Шунинг учун қонунбузарликни “майда-чудалар”га ажратмасдан, уларга қарши қатъий тарзда, аёвсиз кураш олиб бориш талаб қилинади. Бунда асосий эътиборни маънавий-маърифий тарбияга кўпроқ қаратиш сермахсул натижа беради. Агарда фақат жазолаш йўли тўғри восита бўлганида эди, мусулмонлар истиқомат қиладиган ҳудудларда шариат аҳкомлари асосида чиқарилган ҳукмлар жиноятчиликни аллақачон буткул барҳам топган бўлишига жиддий туртки берган бўларди.

2. Алкоголизм. Ушбу иллат инсониятга қадим даврдан бери маълум ва у ҳамиша бошқа турдаги барча девиантликни келтириб чиқаришга “муносиб хизмат қилиб келди” ва вазият ҳамон шундайлигича қолмоқда. Азалдан инсонлар маст қилувчи ичимликларни тайёрлаш тажрибаларига эга бўлганлар. Илгари бундай ичимликлар жуда қиммат нархда бўлиб, уларни асосан ўзига тўқ кишилар истеъмол қилишган.

Шунингдек, алкоголь истеъмоли айрим халқларнинг диний расм-русумлари ва дафн маросимларининг ажралмас қисми бўлгани бизга тарихий лавҳалардан яхши маълум. Фақат XVI асрга келиб турли ўсимлик ва мевалардан арзон тарзда маст қилувчи ичимлик олиш усули топилганидан кейин, уни истеъмол қилувчилар сафи тобора кенгайиб борди. XVIII асрдан бошлаб эса Европа, айниқса Россияда алкоголь ичимликларини оммавий тарзда истеъмол қилиш аҳолининг турмуш тарзига айлана бошлади.

Ҳозирги кунда алкоголь ичимликларини истеъмол қилиш ҳодисаси дунёвий жамиятлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Кўпгина расмий маросимлар, ижтимоий расм-русумлар, байрамлар, корпоратив тарзда ҳордиқ чиқаришлар бевосита алкоголь истеъмоли билан мустаҳкам боғлиқлигини кузатиш мумкин. Лекин бу салбий ижтимоий ҳодиса жамият аъзоларига жуда қимматга тушаяпти. Статистик

маълумотларнинг кўрсатишича, аксарият ҳолда майда безорилик, жиддий жиноятларни содир этилиши ва оилаларни барбод бўлишида спиртли ичимликларни истеъмол қилиш омили асосий сабаб бўлар экан. Бизнинг жамиятда ҳам кишиларни спиртли ичимларни истеъмол қилиш ҳолати учрайди ва у юқорида кўрсатиб ўтилган салбий ҳодисаларнинг асосий омили бўлмоқда. Бироқ, жамият аъзоларини бундай иллатдан халос бўлишлари учун алкоголь ичимликларини ишлаб чиқариш, сотиш ва ниҳоят, уларни истеъмол қилинишини фақат таъқиқлаш орқали кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бунга тарихдан етарли даражада мисоллар келтириш мумкин. Масалан, АҚШ Президенти Ф.Рузвельт томонидан алкоголь ичимлиги истеъмолига қарши жорий қилинган махсус ва қатъий қонун қўйилган натижаларни бермади. 1985-йилдан бошлаб собиқ Иттифокда антиалкоголь компаниясини ўтказиш учун қабул қилинган қонунлар, улар асосида олиб борилган ишлар ҳам бесамар кетди ва барча саъй-ҳаракатлар сароб бўлиб чиқди. Айниқса, ушбу компаниянинг шиори остида олиб борилган пала-партиш, асосан маъмурий бошқарув усули ёрдамида амалга оширилган ишлар жиддий иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарди.

Жумладан, вино тайёрлашни кескин камайтириш мақсадида собиқ Иттифокда, хусусан Ўзбекистонда ҳам катта ҳудудларни эгаллаган энг сара навли узумзорлар яқсон қилинди. Ҳолбуки, узумдан фақат алкоголь маҳсулоти олинмаслиги ҳаммага яхши маълум эди. Алкоголга қарши курашишнинг энг сермахсул воситаси бу – таълим ва тарбия омилидир. Бунда ислом қадриятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ислом дини кишиларга маст қилувчи барча ичимлик ва бошқа моддаларни истеъмол қилишни кескин тарзда таъқиқлаган. Ислом арконларига мувофиқ “хамр”, яъни маст қилувчи барча воситалар кишини нафақат бу дунёда, балки охирада ҳам хор бўлишига олиб келиши Қуръони карим оятлари ва ҳадисларда батафсил баён қилинган.

3. Гиёҳвандлик (юнон. “Nark” - донг қотиб қолиш ва “mania” -

хаёлпаршонлик, муккасидан кетганлик) – гиёҳванд моддаларга қарамлик, уни енгиб бўлмайдиган майл ва организмнинг жисмоний ҳамда психик функцияларини аста секинлик билан чуқур тарзда емирилишига олиб келадиган иллат. Шарқда илгари бу салбий иллат асосан “қариб, куйилмаган” айрим қарияларга хос эди. Бунга мисол тариқасида Ғофур Ғуломнинг “Шум бола” романи асосида олинган бадиий фильмда Қоравойни Хожибуванинг карвонсаройида бангиларга ҳар хил хизматларни қилиб юриши, айниқса улар учун чилимни намага тўлдириб, уни истеъмол қилишга тайёрлашини мисол сифатида келтириш мумкин. Фильмда бундай иллатга йўлиққанлар олтмиш ёшлардан ошган кексалар персонажи асосида кўрсатилган. Кейинчалик гиёҳвандлик Ғарб жамиятида “оммавий маданият”нинг норасмий элементига айланди. Хатто, айрим мамлакатлардаги дорихоналарда гиёҳвандликка рупаро бўлган фуқароларга мурихуана эркин тарзда сотилмоқда, масалан, Голландияда. Гуёки шундай йўл билан кишиларни янада кучлироқ наркотик – героиндан сақлаш мумкин бўлар эмиш. Мамлакатимизга яқин қўшни бўлган Афғонистон гиёҳванд моддаларни етиштириш ва уларни дунё мамлакатларига тарқатиш бўйича “жаҳон биринчилиги”ни забт этиши бизга ҳам бу масалада жиддий хавф-хатар пайдо қилмоқда. Мазкур мамлакат фуқаролари ўзларининг бундай ғараз фаолиятлари билан ислом дини обрусига путур етказаяптилар. Бинобарин, ислом нафақат бундай моддаларни истеъмол қилишни, балки уларни етиштириш ва тарқатишни яна ҳам жиддий тарзда таъқиқлайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзини мусулмон, деб таърифлаётган бу кишилар бундай иллатлардан узоқ бўлишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Суицид (suicide. ўз жонига қасд қилиш) – атайлаб ўз ҳаётини яқунлаш. Суицид худди ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик каби девиантликнинг пассив шаклига мансуб бўлиб, у субъектнинг ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар гирдобидан чиқа олмаслик оқибатида содир этган хатти-ҳаракатидир. Суицид ҳодисасини социологик жиҳатларда илк бор

тадқиқ этган олим бу – француз социологи Э.Дюркеймдир. XIX асрнинг иккинчи ярмида Францияда ўз жонига қасд қилиш ҳодисаси кескин кўпайиб кетганини тизимли тарзда ўрганиб чиқиб, у кишиларнинг бундай ғайри-табиий ҳаракат содир қилишларига француз жамияти айбдорлигини аниқ фактлар билан асослаб беришга муваффақ бўлади ва “Ўз ўзини ўлдириш” асарида илмий хулосаларини ўта жонли тарзда илгари суради.

Кейинчалик унинг бу соҳадаги тадқиқотлари бошқа таниқли социологлар томонидан янада изчил давом эттирилди. Шундай ҳолатни алоҳида таъкидлаш лозимки, суицид ҳодисасига нисбатан турли замон ва макон ҳамда маданиятларда ўзига хос муносабатлар шаклланган. Аксарият жамиятларда бу ҳодиса ғайри-инсоний одат ва оғир гуноҳ сифатида қатъий қораланган. Христианликда ҳам, ислом динида ҳам муаммога нисбатан шундай муносабатни кўриш мумкин. Бироқ, айрим даврлар ва мамлакатларда нафақат уни амалга оширишга рухсат берилган, хатто бу мажбурий миллий-диний расм-русум ҳам ҳисобланган. Бунга Ҳиндистонда бева аёлларни турмуш ўртоқлари вафоти туфайли тириклайин ёқиб юборилишига мажбур қилиниши, ёки Японияда самурайларнинг душман кўлига тириклайин тушмаслик учун ўз жонига қасд қилишини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Бизнинг юртда бундай оғишма хулқ-атвор азалдан кескин тарзда инкор этилиб келинган. Чунки диний ва миллий урф-одатларимизнинг тамойиллари одам табаррук зот эканлиги ва ўзини нобуд қилиш эса нафақат ўзи, балки яқинлари ва хатто миллати ҳамда ислом динига қилинган улкан зарар сифатида ҳеч қандай муросасиз қораланади. Шунинг учун диний ва миллий қадриятларимиздан яхши хабардор бўлган фуқароларимиз ҳар қандай мураккаб вазиятларда, тушункунлик кайфияти зўрайиб кетганида ҳам бундай амалга сира қўл урмайдилар.

5. Проституция (фоҳишалик). Ушбу термин латинча “prostituere” сўзидан олинган бўлиб, бевосита “ўзини намоишкорона таклиф қилмоқ” маъносини англатади. Рамзий маънода уни “энг қадимий касб”, деб ҳам

аташади. Одатда проституция сифатида маълум бир маблағ эвазига беникоҳ жинсий алоқа хизматини кўрсатиш тушунилади. Ғарб жамиятларида проституцияни чуқур илдиз отиши дастлаб меҳнатнинг ижтимоий тақсимооти, моногомик никоҳлар ривожига ва катта шаҳарларни бунёд бўлиши билан боғлиқ бўлди. Ҳозирда эса бу ҳодиса “оммавий маданият”нинг муҳим элементи ҳасибланиб, у “шахсий эркинлик” категорияси асосида маъқулланади. Проституция кўлами айниқса, капиталистик жамият ривожига туфайли кенгайиб борди ва бу ҳолат кишилар саломатлигига жиддий таҳдидларни вужудга келтирди. Ҳўш, “мазкур жирканч иллатга қарши кураш тарихининг турли даврларида қандай кечган?” деган савол кўндаланг кўйилиши мумкин.

Тарихий манбаларда проституцияга қарши курашда учта асосий ёндашув мавжудлиги кўзга ташланади:

1. Прогибиционизм (таъқиқ),
2. Регламентация (қайд қилиш ва тиббий кузатув)
3. Аболиционизм (таъқиқ ва ва қайд қилишдан ҳоли бўлган профилактик ҳамда тушунтириш-тарбиявий ишлар).

Таъқиқлар проституция билан курашда кутилган натижаларни бермади. Чунки тажрибадан маълумки, ҳар қандай муаммонинг бартараф қилишда авваламбор унинг сабабларини аниқлаш тақозо этилади.

Шунингдек, “энг қадимий касб” эгаларига қарши курашга йўналтирилган ҳуқуқий ва тиббий назорат ҳам ўз самарасини тўлиқ намоён қила олмади. Демак, бу масалада “фақат ижтимоий ҳаётдаги соғлом маънавий-руҳий муҳит бу муаммо кўламини кескин камайтириши мумкин бўлади”, деган фикрни илгари суриш асосли ҳисобланади. Христианликда ҳам, ислом динида ҳам бундай енгил табиатликка асосланган хулқ-атвор кескин ва жиддий қораланади.

6. Гомосексуализм (homosexualite) – ўз биологик жинсига мансуб киши билан жинсий муносабатга кириш. Одатда бу термин жирканч хулқ-

атвор эгаси бўлган эркакларга нисбатан қўлланилади. Бундай иллатга дучор бўлган аёллар эса “лесбиянкалар”, деб номланади.

Гомосексуализм термини инглиз тилига XIX асрда кириб келди ва бу даврда Европада бу ҳодиса деликвентликнинг бир элементи, яъни жиноий хатти-ҳаракат тури сифатида баҳоланиб, унга тааллуқли бўлган кишилар конун томонидан аёвсиз тарзда таъқиб этилар ва шафқатсиз даражадаги жазога тортилар эди. Хатто, ҳозирда айрим беҳаё хулқ-атворлар пайдо бўлаётган Нидерландияда ҳам бу ҳодисага нисбатан аёвсиз ва мурасасиз кураш олиб борилган. 1970 йилгача гомосексуализм “Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти” нинг патология рўйхатида ўткир рухий хасталикнинг бир тури сифатида сақланиб турди.¹⁹ Мазкур нуфузли халқаро ташкилотнинг таниқли тиббиёт ходимлари ва психиатрлари гомосексуализмни ижтимоий ўта хавфли хасталик ҳисоблаб, унга қарши даволаш усуллари ишлаб чиқишни таклиф қилдилар. Афсуски, XX асрнинг охирларидан бошлаб девиантликнинг ушбу тури Ғарб жамиятларида “ноанъанавий жинсий ориентацияга эга озчилик ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” шиори остида, “оммавий маданият”нинг фаол таъсирида ижтимоий ҳаётнинг оддий ва нормал элементига айлантирила бошланди. Жамият аъзоларининг аксарият қисмини бу тоифа кишиларнинг ғайриинсоний хулқ-атворида ўта леберал ва бепарво муносабатда бўлиши дунёнинг айрим ривожланган мамлакатларида охир-оқибат янада ҳам жирканч аҳвол – бир жинсли никоҳларнинг расмий жиҳатдан рухсат этилишига олиб келди.

Тўғри, Шарқ мамлакатлари ҳаётида ҳам бундай беҳаёлик учраган ва учрамоқда. Жумладан, ислом манбаларига мурожаат қиладиган бўлсак, Лут алайҳиссаломнинг қавми ҳам шундай қабоҳатга учраганини кузатиш мумкин. Натижада бутун бир ҳудуд “бир ҳовуч” бундай нобакорларнинг ўта ахлоқсизлиги туфайли тўла-тўқис вайрон бўлди. Инсоният томонидан қилинаётган бу беҳаёлик масаласига янада чуқурроқ ёндашсак, шундай

¹⁹ Большой толковый социологический словарь. – Москва.: “ВЕЧЕ-АСТ”. 1999. Том1.–С.127.

вазиятга дуч келамизки, хатто ҳайвонлар ҳам, улар ёввойи бўладими, ёки уй ҳайвоними бундан қатъий назар ўз жинсига тааллуқли тўдадошларига нисбатан бундай муносабатда бўлмайдилар.

Демак, бундай тоифадаги инсонлар ўз мақомлари бўйича ҳайвончалик ҳам мавқега эга эмаслар. Лекин одамга ақл ва нутқ берилган экан, унда уни бундай жирканч ишларга қандай сабаблар йўналтиряпти? деган саволларнинг жавобларини кишилардаги маънавий-ахлоқий, ва албатта диний қадриятлардан тўлиқ хабарсизлик ҳолатидан келиб чиқиб, излаш лозим бўлади. Бизнинг жамият шароитларида, «оммавий маданият»нинг таъсирини тўхтатиш механизми – миллий ва диний қадриятлар таъсирида, бундай кишилар билан қўл бериб кўришиш у ерда турсин, хатто улар билан ёнма-ён туриб нафас олишга ҳам жирканилади.

XX аср вабоси сифатида таърифланаётган ОИТС (СПИД) айнан “оммавий маданият”нинг “мевалари” – наркомания, проституция ва гомосексуализмнинг “махсули” эканлигини медицина фани аллақачон исботлаб берди. Агарда замонавий медицинанинг ушбу хасталикка даво топишга ҳозирча ночорлиги маълум экан, унда бутун инсониятни жиддий ташвишга солаётган бу бало-қазони бартараф қилиш, пировардида, жамиятни бундай макрофалокатдан асрашнинг ягона омили сифатида барча одамларни уларнинг ирқи, жинси, миллатидан қатъий назар таъкидлаб ўтилган ғайриинсоний, жирканч хулқ-атвордан йироқ бўлишга тўлиқ эришишни эътироф этиш лозим. Албатта, ҳозирда девиант хулқ-атворнинг юқорида кўрсатиб ўтилган турли кўринишларга қарши курашиш жамиятларда ўрнатилган ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар асосида олиб борилмоқда. Бундай шароитларда давлатнинг моддий-техникавий ва тиббий имкониятлари билан биргаликда жамиятнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари ҳам муҳим роль ўйнаши табиийдир. Аммо, Ғарб жамиятларида мазкур муаммолар ечимига жавоблар аксарият ҳолларда дунёвий ҳаёт меъёрларига таянган ҳолда изланмоқда. Чунки бу мамлакатларда секуляризация жараёнининг бир томонлама талқини

туфайли жамият аъзолари шахсий ва ижтимоий ҳаётларига христианликнинг ахлоқий қадриятларини таъсир қилиш кучи кескин даражада тушиб кетган.

Юқоридаги манзаранинг акси сифатида мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаёти тажрибаларини кузатиш мумкин. Аждодларимизнинг асрлар давомида амал қилиб келган миллий-диний ахлоқ меъёрлари бизнинг кунларгача етиб келган бой маданий мероснинг муҳим бир йирик бўлаги сифатида юқорида кўрсатиб ўтилган жиддий ижтимоий муаммоларга қарши курашишнинг асосий омили бўлиб гавдаланади. Қонунбузарчиликка қарши кураш ҳуқуқни муҳофаза қиладиган ташкилотларнинг устувор фаолияти бўлса-да, қонунбузарчилик йўлига қираётган ёшларга маҳалла аҳолиси, меҳнат ва ўқув юрти жамоаси билан биргаликда дин уламолари ҳам тўғри йўлни кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Албатта, мамлакатимиз бош Қомусининг 61-моддасида диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилгани белгилаб қўйилган²⁰, лекин динни жамиятдан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун дин пешволари ҳам қонунбузарчиликнинг ҳар хил турларини содир этилишининг олдини олиш учун ўз куч-ғайратлари ва билим ҳамда малакаларини сарфлаётганлари табиий ҳамда ижобий ҳолдир. Натижа ҳам шунга мувофиқ бўлиб, бизнинг юртда девиант хулқ-атворнинг юқорида таснифлаб чиқилган турларининг кенгайиш динамикаси борган сари сусайиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек жамияти ҳаётида дин институти ўзининг муҳим аҳамиятини барқарор тарзда сақлаб келмоқда.

²⁰О‘збекистон Республикасининг Конституцияси.-Ташкент.: “О‘збекистон”. 2014.–Б.21.

2.2. Глобал интернет тармоғи ёшлар онгига таъсир ўтказувчи восита сифатида

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида ҳозирги даврнинг характерли, харакатлантирувчи кучлари, хусусиятлари ва йўналишлари тўғрисида чуқур илмий фалсафий хулосаларни илгари суради. Шу маънода, инсоният бошдан кечираётган ҳозирги даврни қисқа ва лўнда глобаллашув даври деб таърифлайди. “Кимдир уни (бу даврни) сўнгги технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асри, яна биров ялпи ахборотлашув даври сифатида изохламоқдалар Аммо, кўпчиликнинг онгида бу давр глобаллашув даври тариқасида таассурот уйғотмоқда. Бундай таассурот, кўп томондан масаланинг мохиятини тўғри ифодалайди. Нега деганда, ҳозирги пайтда ер юзини қайси чеккасида қандай воқеа юз бермасин, одамзод бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас,- деб ёзади юртбошимиз. Шу маънода, глобаллашув - бу аввало ҳаёт суратларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир”²¹.

Маънавий соҳадаги таҳдидларни ўрганишда маънавий жараёнларнинг глобаллашувини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бу — маънавий, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида унга Ер юзининг барча минтақалари тортилганлигини, маънавий ва мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунчадир.

Маънавият соҳасидаги глобаллашув жараёни бир-биридан тубдан фарқ қиладиган икки йўналиш ва анъанада намоён бўлмоқда. Биринчидан, инсоният цивилизацияси тарихида эришилган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб байналминаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Бошқача айтганда, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларининг

²¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент.: “маънавият”, 2008, -Б.110-111.

интеграциялашув жараёни кечмоқда. Иккинчидан, миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги бекарорлик, улар глобаллашувига олиб келмоқда. Бу халқаро терроризм, экстремизм, фундаментализм ва наркобизнес ходисаларида намоён бўлмоқда. Бирон-бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг маънавий босимини доимий равишда сезиб яшамоқда.

Бу жараённинг энг муҳим хусусиятларидан бири - турли мамлакатлар халқларини маънавий ва мафкуравий забот этиш мақсадининг ғоят катта иқтисодий манфаатлар билан чирмашиб кетганидир. Маънавият соҳасидаги глобаллашув савияси паст аудио ва видеокассеталар, ахлоқсизлик, тубанлик ва ёвузликни тарғиб қиладиган “санъат асарлари”нинг ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Маънавий ва ғоявий-мафкуравий тазйиқ ва тажовузуларнинг олдини олиш учун эса ҳар бир миллат, давлат ўзининг маънавий дахлсизлигини таъминлайдиган чора-тадбирларни кўриши зарур бўлиб қолмоқда. Ана шундай тадбирлар изчил амалга оширилганда маънавият соҳасидаги жараёнларнинг глобаллашуви турли қарашлардаги муайян фарқлардан қатъи назар, умуминсоний қадриятлар, тинчлик ғояларига содиқликнинг камол топишига шароит яратади, умуминсоний цивилизация тараққиётининг муҳим омилига айланади.

Ҳозирги кунда маънавиятимизга таъсир қилиш мумкин бўлган бир қатор ташқи таҳдидлар турли ғоя, анъана, маросим, мода, мусиқа каби оммавий маданиятни ифода этувчи омиллар сифатида, жамоатчилик билан алоқалар (паблик рилейшнз)нинг “оқ” ва «қора» технологиялари орқали, сезилмас пардаларга ўралган ҳолда кириб келмоқда.

Маънавий соҳага қарши уюштириладиган хуружлар қисқа муддатда ва кутилган миқёсда самара бермаслиги, сарфланган маблағларни тез қопламаслиги мумкин. Аммо бундай эҳтимол узоққа мўлжалланган режаларни тузаётган, геосиёсий ўйинларнинг ҳеч бир қоидасини четлаб ўтмайдиган марказ ва кучлар томонидан назар-писанд қилинмайди.

Маълум муддат илгари, айтайлик, юз-икки юз йиллар олдин бошқа халқлар ҳаётига, уларнинг руҳияти ва қадриятига четдан таъсир ўтказиш осон эмас эди. Асрлар, минг йиллар мобайнида ўз урф-одатлари, анъана ва маросимлари асосида яшаб келган элат ва миллатлар чет эл русуми - модасини осонликча қабул қилмас эди. Янгиликка қаршилик анчайин жиддий бўлар эди. Турли халқларнинг маданияти ва маънавияти ўзаро таъсир жараёнида бир-бирини бойитиб келган. Бироқ бу жараён дастлабки босқичларда жуда секин, оҳиста кечган. У пайтларда маданият ва маънавиятларнинг ўзаро мослашуви учун вақт етарли бўлган. Ҳозирги кунда бундай мослашиш учун вақт деярли қолмаяпти. Бунинг оқибатида маданиятлар ўртасида англашилмовчиликлар, тарангликлар вужудга келмоқда. Тамаддунлар тўқнашуви тўғрисидаги назариялар ҳам мана шу аснода пайдо бўлмоқда. Ҳозирги пайтга келиб ахборот тизими бутун жаҳонни қамраб олди. Интернет, уяли телефон алоқаси, радио ва телевидение, бошқа оммавий ахборот воситалари умумжаҳон миқёсида кенг тарқалди. Халқлар, минтақалар, қитъалараро алоқалар жадаллашди. Инсониятнинг муваффақиятлари ҳам, кулфатлари ҳам глобал характер касб этди. “Бугунги кунда инсоният кўлида мавжуд бўлган қуро-яроғлар ер қуррасини бир неча бор яқсон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф — инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида

бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим.”²²

Глобаллашув жараёнининг муҳим характерли хусусиятларидан бири ахборот технологияларининг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига ялпи шиддат билан кириб келаётганлигидадир. Айниқса, замонавий ахборот майдони бениҳоя тифиз ва тез бўлиб, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жабҳалар билан бирга, мафкуравий майдонни ҳам камраб олди ва бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга бўлиб қолди.

Ахборот технологияларини, радиотелевидение, матбуот, уяли телефон тизимини ғоят тез ва кенг ривожланиб бориши, айниқса ҳали дунёқаши тўлиқ шаклланмаган ёшларнинг ҳаётий тарзига кириб бораётганлиги жиддий мафкуравий таҳдид солмоқда. Матбуотда эълон қилинган баъзи факт-материаллар инфорацион ахборот технологияларини хар бир хонадонга ёпирилиб келаётганидан ҳабар беради. БМТ маълумотига кўра, ҳозирда интернет тармоғида болалар порнографиясини тарғиб қилаётган сайтларнинг сони 4 млрд. дан ортиқ экан.

Бугунги кунда мамлакатимизда уяли – мобил алоқа абонетларининг сони салкам 15 миллионга етган.²³ Бу аҳволни бир томондан ижобий баҳолаш халқимиз, шунингдек ёшларимиз ҳаётидан замонавий ахборот технологиялари ютуқлари тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётганлигига қувонарли ҳодиса деб қараш мумкин. Аммо, масаланинг иккинчи томони кишини ташвишга солади. Биринчидан, уяли телефондан фойдаланувчининг одоб-ахлоқи, дунёқараши қай даражада?, деган савол туғилади. Иккинчидан “Оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг хисобидан бойлик орттириш, бошқа

²² Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон 3аёт – пировард ма^осадимиз. 8-жилд, - Тошкент: Ёзбекистон, 2000.-Б. 491.

²³ Телефон тажовузга айланмасин. Кўз илғамас таҳдид. “Ҳуқуқ ва бурч”, №1 (49), 2010.

халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзини маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.”²⁴ Телефонларга кўчирилган ва интернет тизими орқали эфирга узатилаётган порнографик кинофильмлар, ахборотларда тарқатилаётган минг-минглаб ёшларимизни ахлоқий, ғоявий тарбиясига ўта салбий таъсир кўрсатаётгани, бу борадаги тарбиявий ишларни пухта йўлга қўйиш, “Оммавий маданият” тажовузларига қарши мунтазам ва муросасиз курашишни, хушёр ва огох, бўлишни тақозо қилади. Зеро, “эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ниқоби остида амалга оширилаётган, узоқни кўзлаётган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта ахамият касб этади.

Масаланинг жиддийлиги шундаки, компьютер вируслари билан бир қаторда инсониятнинг соф маданияти, маърифати, одоб-ахлоқи учун бутунлай зид бўлган “маънавий-ахлоқий” вирусларни ҳам “хакер”лар орқали ёшлар онгига узатмоқда. Бундай ғоявий мафкуравий вирусларни тарқатувчи “хакерлар” тўғридан-тўғри инсон онгини, инсон қалбини, ўзлигини издан чиқаришга йўналтирилган. Мақсад – ёшларни рухий маънавий қашшоқ қилиш, мафкуравий имунитетни йўққа чиқариш, интеллектуал салоҳиятини йўққа чиқариш, шахсни шахс сифатида ривожланишига йўл қўймаслик, бунинг замирида одамлар, халқлар, миллатлар ўртасидаги эзгулик инсонийлик ва ўзаро дўстлик, қардошлик муносабатлари ўрнига ёвузлик, ўзаро душманлик уруғларини сепишдан иборат.

Дунё миқёсида глобаллашув тезлашиб бораётган шароитда ёшларни информацион маданиятини шакллантириш долзарб муаммо бўлиб қолди. Бу шароитда ёшларнинг ахборот олиш ва ундан фойдаланиш тизимини атрофлича ўрганиш мазкур турдаги хизматларни тартибга солишнинг янгича ҳуқуқий ва маданий механизмларини ишлаб чиқиш муаммонинг

²⁴Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент: “маънавият”, 2008, -Б.117.

ечимини топишда муҳим омил бўлади. Ёшларда ахборотни саралаш, кераксиз маълумотлар ва беҳаё кўрсатувлардан ўз ихтиёри билан воз кеча олиш кўникмасини шакллантиришга эришиш, маънавиятни кемирувчи ҳар қандай ёд таъсирлардан сақлаш, дунёда кечаётган ахборот таҳдидга қарши соғлом имунитетни тарбиялаш, огоҳликни бир дақиқа ҳам бой бермаслик информацион маданиятнинг бугунги кундаги асосий вазифасидир.

Бизнингча, бугунги кундаги ижтимоий – гуманитар фанларнинг асосий вазифаларидан бири мафкуравий таҳдидга муносиб жавоб беришдан иборатдир. Бунда асосий эътиборни қуйидагиларга қаратиш лозим:

- миллий истиқлол ғоясининг миллий, умуминсоний, фалсафий, диний ҳуқуқий, сиёсий, социологик, психологик, ижтимоий – иқтисодий, маънавий- ахлоқий жиҳатлари, унинг халқ одатлари, анъаналари ва қадриятларни шакллантириш ҳамда бойитишдаги ўрни ва аҳамияти бўйича тарғибот йўналишларини кучайтириш;

- дунёдаги мафкураларнинг уйғунлашиши ва курашиш жараёнларини ўрганиш, мониторинг ўтказиш, мафкура соҳасида, айниқса, илмий омилни ҳисобга олган ҳолда, умуминсоний ва минтақавий муаммоларни белгилаш ва уларни ҳал қилишга ёрдам бериш;

- Ўзбекистон мустақиллиги учун мафкуравий таҳдидга қарши самарали кураш йўллари хусусида илмий асосда тавсиялар ишлаб чиқиш;

- ёш авлодни тарбиялаш жараёнларига кучли тўртки бериш учун, биринчи навбатда, тегишли ташкилий тузилмалар, болалар – ёшлар бирлашмалари ҳаракатларини яратиш;

- миллий ғояни шакллантириш маъносида болалар ва ўсмирлар учун ўқув-методик, илмий оммабоп ва бадиий адабиётнинг янги туркумини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишни фаолиятнинг муҳим йўналиши деб ҳисобламоқ керак. Мавжуд адабиётларни ҳар томонлама экспертиза қилиш асосида халқнинг бой ижтимоий-маданий ва тарихий тажрибасига унинг

прогрессив анъаналари ва урф-одатлари, умуминсоний кадриятларга асосланган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, бадиий адабиётлар нашр этишга эришиш ва ҳақозолар.

Келажак авлодларга обод ва озод Ватанни мерос қолдиришдек, эзгу ният йўлида ҳар бир фуқаронинг масъулияти ҳақида фикр юритар эканмиз, эркинлик деган неъматнинг кадрига етишда, аввало, инсон омилининг ўрни ва мавқеини тўғри баҳолай олиш зарур. Халқимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас кадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтиришни бугунги кун тақозо этмоқда. Зеро, ҳар қайси давлатнинг барқарорлиги у ердаги ахлоқий қоидалар устуворлигига асосланади. Чунки, ахлоқ инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир. Жамият тараққиёт этган сари ахлоқий муносабатларга эътиборни кучайтириш эҳтиёжи туғилаётир. Сабаби бирон мамлакат ёки жамият маънавий-маърифий имкониятларини ривожлантирмай туриб, ўз келажagini тасаввур эта олмайди. Маълумки, жамиятнинг ривожланиши инсонларнинг ахлоқи, одоби, ақл-идроқи ҳалол меҳнати асосида олға қараб боради. Маънавий кадриятлар таркибидаги ахлоқ мезонлари тарбиянинг негизини ташкил этади. Тарбиявий жараёнсиз жамият тараққий эта олмайди. Тарбия эса ахлоқий фазилатларни сингдиришдан бошланади. Бунинг натижасида инсон комилликка қараб боради. Комиллик ўз-ўзидан пайдо бўлмай, инсон яшаган жамиятга, муҳитга боғлиқдир.

Эгоцентризм ғояларига кўра вояга етмаган йигит қиз ўз билганича яшаши, лаззатланиши, нимадан фойда кўрса, ўшанга амал қилиши, ҳеч қандай меъёр, қонун-қоидаларга риоя қилмаслиги уқтирилади. Бунинг хавфли томони шундаки, бу зарарли иллатлар ёшларга ниҳоятда силлиқлик, беозорлик йўли билан юқтирилади. Ахлоқий бузуқлик билан миллатни ичидан бузиш, муқаддас кадриятларимизни йўқотиш, уларнинг

ўрнига манқуртликни, дидсизликни, иймонсизликни жорий қилиш замирида, аслида шунчаки эрмак, ўйин-кулгу ва кўнгил очиш билан боғлиқ “маданият” эмас, каттароқ, ёвузроқ мақсадлар, миллатни миллий ўзагидан айириб, оломонга айлантириш орқали экспансия қилиш яширинганини ҳамма ҳам, айниқса ёшлар англаб етавермайди.

Хуллас, биринчидан, жамиятни демократлаштириш муносабатида ахлоқий мезонлар ва меъёрларнинг миллий, халқчил ва диний қадриятлар орқали шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолат мавжуд имтиёзларга эгалик қилиш, шахсий шухрат ва бойлик орттиришга мойил бўлган шахсларнинг табиий равишда жамият бошқарувига кириб келишининг олдини олади. Иккинчидан, бундай жараёнлар инсонлар ва миллат манфаати ҳамда тақдирида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши баробарида жамиятни демократлаштиришга оид ўзаро муносабатлар ғайриахлоқий бўлса-да, унга кўникиш, ноинсоний хатти-ҳаракатлар иллатларини шакллантиради. Яъни, инсон ахлоқи ва маданиятининг заифлиги жамиятни демократлаштиришнинг ғайриахлоқий тартибларини турғун даражада сақланиб қолишига шароит яратади. Учинчидан, жамиятда гуруҳ манфаатлари устуворлиги ва уларнинг бир-бирлари эркинликларига нисбатан салбий таъсири диний ва миллий қадриятларга путур етказилади. Натижада бундай чалкаш ҳаракатлар ўзаро тарафкашлик, уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик каби иллатлар шаклланишига олиб келади. Тўртинчидан, жамиятни демократлаштиришга оид муносабатлар ўз қамровида диний, ахлоқий, миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдиради. Шунингдек, ахлоқий мезонлар ва меъёрлар инсон камолотида, жамият ҳаётини демократлаштиришга оид истиқболли жараёнларда ушбу омилларга бўйсунди ва уларга эҳтиёж сезади.

Глобаллашув жараёни дунё мамлакатлари учун қатор умумбашарий муаммоларни жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда ҳал этишни ҳам муҳим вазифага айлантиради. Бунда ер юзида ялпи тинчликни сақлаш, термоядро урушининг олдини олиш ва адолатли халқаро иқтисодий тартибот

ўрнатиш, атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилиш (экологик муаммо), аҳоли сони ва таркиби билан моддий ва маънавий қадриятлар яратилиши мутаносиблигига эришиш (демографик муаммо), ер юзи аҳолисини зарур озиқ-овқат ва қувват манбалари билан ишончли таъминлаш, очлик, кашшоқлик ва қолоқликни тугатиш учун юксак ривожланиш ва улардан кейинда қолган мамлакатлар ўртасидаги кескин фарқни бартараф этиш, хавfli касалликларни тугатиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш, гендер тенглигини таъминлаш, жаҳон маънавий муҳити софлигини таъминлаш (этикология муаммоси), терроризм, диний экстремизм ва фундаментализмга, наркобизнесга қарши курашлар назарда тутилади.

Глобаллашувнинг салбий оқибатлари асосан, қуйидаги соҳаларда намоён бўлмоқда: экология, соғлиқни сақлаш, демографик, ресурслар, ахлоқ, оила, таълим-тарбия, маънавий, дунёқараш ва бошқалар шулар жумласидандир. Яъни, бугунги кунда глобаллашув жараёни турли-туман кўринишларда намоён бўлмоқда. Глобаллашув феномени объектив ва очик эканлигини ҳисобга олинса унинг турли муқобилларда намоён бўлиши табиий тус олади. Шундай экан глобаллашув жараёнининг бирор-бир аспекти мутлақлаштириб, унга мутлақ ижобий ёки мутлақ салбий жараён сифатида қараш ножоиздир. Ҳозирда аксарият Ғарб мамлакатлари ўзи яратиб қўйган баъзи “таълимотлар” жабрини ҳам тортмоқда. Бу муаммолардан бири демографик жиҳатга бориб тақалади. Сабаби, демографик кўрсаткич тушиб, аҳоли иммигрантлар ҳисобига тўлиб турган ушбу давлатларда туғилишга қараганда ўлим коэффиценти кескин ошиб кетган. Ғарб мамлакатларида иммигрантлар оқими йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, АҚШда иммигрантлар сони 30 млн. кишидан зиёд, шулардан 10 миллиондан ортиғи ноқонуний иммигрантлардир. Лондонда эса аҳолининг 40 фоизи иммигрант ҳисобланади. Чунки Америка ва Европада феминизм таълимоти таъсирига тушган аёлларнинг аксарияти коматини сақлаш мақсадида бола туғишни хоҳламайди. Ҳукумат кўп

имтиёзлар яратиш билан ҳам уларни бу ишга жалб қила олмаяпти. Хусусан, таниқли сиёсатшунос олимлар П.Ж.Бьюкенен, “Ғарбнинг ҳалокати”, З.Бжежинскийнинг “Буюк шахмат тахтаси”, “Икки йўл оралиғида” (Боҳодир Зокир таржимаси), С.Хаттингтоннинг “Биз киммиз?”, “Маданиятлар тўқнашуви”, Абдулҳаким Мурод (Тимоти Уинтер)нинг “XXI асрда Ислом: Постмодерн дунёда қиблани топиш” (Фаҳриддин Низомов таржимаси) асарларида Ғарб дунёсининг маънавий таназзули, аҳоли демографиясининг пасайиши билан боғлиқ рақам ва далиллар кўп. Таниқли америкалик социолог, келиб чиқиши япон миллатига мансуб бўлган Френсис Фукуяма оила ва жамиятдаги муаммолар хусусида тўхталиб, “куфр – Ғарбни ичидан емирмоқда” деб, Ғарб цивилизацияси ҳолатига ўзига хос ташхис қўяди. У 1989 йилда ёзилган “Тарихнинг интиҳоси” мақоласида “Совуқ уруш”нинг тугаши Ғарб либерализмининг бошқа барча қадриятлар тизими устидан узил-кесил ғалабасини англатади, деб ёзган эди. Лекин орадан 10 йил ўтиб, Фукуяма “Буюк узилиш” (2003 й.) асарида Ғарб оғир касалликка йўлиққан, унинг илк аломатлари 1960 йилларда пайдо бўлган деган хулосага келади. Фукуяма назарида, унинг асосий аломатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Жиноятчиликнинг ўсиши. “Жиноятчиликнинг урушдан кейинги тўлқинининг кўтарилиши тахминан 1963 йилларга тўғри келади, ўша вақтдан бери у янада шиддат билан тезлашди”.

2. Оила инқирози. “Никоҳ ва болалар туғилиши камайиб кетди; ажралишлар сони кўпайди; АҚШдаги ҳар учтадан битта бола никоҳсиз туғилмоқда, бутун Скандинавияда эса туғилаётган болаларнинг ярмидан кўпи никоҳсиз туғилганлар ташкил этади”.

3. Аҳоли сонининг камайиши (депопуляция). Демографик портлаш муаммоси фақат “Учинчи дунё” мамлакатларига хосдир, айни пайтда, “барча ривожланган мамлакатларда умуман қарама-қарши муаммо – улар аҳолисининг қисқариши масаласи кун тартибиде турибди”. Умр узоклиги жамиятда асосан нафақахўрлардан иборат бўлиши, уларни таъминлаш

масаласини келтириб чиқаради. Туғилишнинг сунъий равишда рағбатлантирилиши эса, масалан, Франция мисолида ўта қиммат ва самарасиз иш бўлиб чиқди.

4. Ижтимоий тарқоқлик – шахснинг ҳаётдан ажралиб қолгани, муносабатларнинг кескинлашуви, кишилар ўртасида ёлғиз яшашга майлнинг кучайиши.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамокдамиз. Глобаллашув жараёни, унинг мазмун ва моҳияти, ижобий ва салбий жиҳатлари, хусусан, бугунги кунда мафкуравий таъсир ўтказиш воситаси сифатида айрим сиёсий кучлар манфаатларига хизмат қиладигани, дунёнинг айрим мамлакатларида демографик муаммоларнинг келтириб чиқараётгани, ушбу жараён орқали миллий кадриятларимизга ёт ғоя ва қарашлар ёпирилиб келаётгани, улар эртага қандай салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги билан асосланади. Шу маънода глобаллашув жараёнида демографик омилларни ўрганиш долазрблик касб этиб бормокда.

Глобаллашув жараёни дунё мамлакатлари учун қатор умумбашарий муаммоларни жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда ҳал этишни ҳам муҳим вазифага айлантиради. Бунда ер юзида ялпи тинчликни сақлаш, термоядро урушининг олдини олиш ва адолатли халқаро иқтисодий тартибот ўрнатиш, атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилиш (экологик муаммо), аҳоли сони ва таркиби билан моддий ва маънавий кадриятлар яратилиши мутаносиблигига эришиш (демографик муаммо), ер юзи аҳолисини зарур озиқ-овқат ва қувват манбалари билан ишончли таъминлаш, очлик, қашшоқлик ва қолоқликни тугатиш учун юксак ривожланиш ва улардан кейинда қолган мамлакатлар ўртасидаги кескин фарқни бартараф этиш, хавфли касалликларни тугатиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш, гендер тенглигини таъминлаш, жаҳон маънавий муҳити софлигини таъминлаш (этикология муаммоси), терроризм, диний экстремизм ва фундаментализм, наркобизнесга қарши курашлар назарда тутилади.

III БОБ. ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ОМИЛЛАРИ.

3.1. “Оммавий маданият”нинг ёшлар онгига таъсирига қарши курашда миллий қадриятларнинг ўрни.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Келажакда жамиятимиз тараққиёти, Ватанимиз равнақи ён авлоднинг камолоти, илмий салоҳияти, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбия топишига боғлиқ. Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ёшларимизни мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш мамлакатимиз мустақиллиги, тинч осойишта ҳаётимизга хавф туғдириш мумкин бўлган тажовузларга фарши изчил кураш олиб бориш ахборот-ресурс марказларининг фаолияти дастурига айлантирилган ҳолда иш олиб бориш талаб этилади.

Мустақиллик туфайли маданий-маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди, халқимиз эзгу-ниятлари рўёбга чиқа бошлади, авлод-аждодларимиз босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлини, фаолиятини чуқур ўрганишга муваффақ бўлдик. Миллий, маънавий қадриятларимизга эътибор ва қизиқиш кучайди. Муқанна, Темур Малик, Мангуберди сингари миллий қаҳрамонларимиз ҳаёти билан танишиш имкониятига эга бўлдик. Шак-шубҳасиз, биз яшаб турган давр келажак тарихимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, истиқболимизга катта қизиқиш билан қараб, миллатимиз тақдирини ўйлаб, тарих олдидаги масъулиятимизни чуқур ҳис қилиб, ўтмишимизга диққат ва эътибор билан назар ташлаб, маънавий-маданий меросимизни, асрлар мобайнида яратилган ва наслдан-наслга ўтган ажойиб маънавий қадриятларимизни қайтадан тиклашимиз лозим. Халқимиз маданий-маънавий бойликлари, миллий қадриятларини тиклаш

ва ривожлантириш ҳозирги авлоднинг вазифасидир. Гап ўтмиш маданий-маънавий бойликларига эга бўлишдагина эмас, балки уни чуқур эгаллаб, янги юксак босқичга кўтара билишдадир.

Миллий, маънавий қадриятларимизни ўрганишда ва ривожлантиришда халқимизнинг кўп асрлик анъаналари, маданияти, урф-одатлари, байрамлари, бой қадимий мероси ўзининг алоҳида ўрни ва аҳамиятига эга. Халқимизнинг асрлардан асрларга мерос бўлиб келаётган миллий қадриятлари узок тарихий жараёнда шаклланган. Уларнинг ўтмиши уч минг йилдан ортиқ даврни ўзида мужассамлаштирган Марказий Осиё цивилизациясини яратди. Бизнинг миллий, маънавий қадриятларимиз ана шу цивилизацияга хос жиҳатлар: туғилган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомалада мулозамат, ҳаё, андиша кабиларнинг устуворлиги билан ҳам тавсифланади. Ўтмишга, маданий меросга ҳурмат, бу, энг аввало, унинг яратувчиси, ривожлантирувчиси бўлган– халқ оммасига кўрсатилган иззат-икром, меҳр-оқибатдир. Ўзининг ўтмиш тарихига, маданиятига, тарихий меросига, миллий анъаналарига катта эътибор ва ҳурмат билан қарайдиган халқнинг истиқболи порлоқ бўлади. Ўтмишимизни қанчалик яхши билсак ва эъзозласак, ҳозирги даврни, мустақиллигимиз истиқболи ва аҳамиятини шунчалик чуқур ва мукамал тушунамиз. Қадрият тушунчасининг ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан таърифлари кўпгина илмий адабиётларда турли хил ёндашувларнинг мавжудлигини, баъзан эса уларнинг бутунлай бир-бирини инкор этиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, “Фалсафа энциклопедияси” да қадрият тушунчаси қуйидагича тавсифланади: “Қадрият фалсафий ва социологик тушунча. У биринчидан, бир объектнинг ижобий ёки салбий қийматини, иккинчидан, ижтимоий онгнинг норматив белгиловчи-баҳоловчи жиҳати (субъектив қадриятлар ёки онг қадриятлари)ни ифода этади” Фикримизча, бундай таъриф, мазкур категорияни ўта сиғимдор қилиш билан бирга унинг асл моҳиятини аниқлашда бир қатор илмий чалкашликларни келтириб чиқармоқда.

Қадриятлар билан боғлиқ муаммолар ҳозирги даврга келиб файласуфлар ва тадқиқотчиларнинг диққатини жалб этаётган асосий мавзулардан бирига айланаётганлигининг сабаби, унинг демократия тамойиллари билан уйғунликда бўлишидадир. Т.Абдуллаев “Турмуш соҳасида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг диалектикаси”²⁵ номли докторлик диссертациясида турмушдаги миллий ва байналминаллик муносабатларини, улар билан боғлиқ қадриятларни таҳлил қилган.

И.Саифназаров²⁶, Ф.Саифназаровалар фикрича, “миллий-маънавий қадриятлар – мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, удумлари, жамики маънавий бойликларини камраб олади”. Бизнинг фикримизча қадрият дейилганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, айрим халқ, миллат, элат ёки ижтимоий гуруҳларнинг ўзларининг тарихий тараққиёт жараёнида яратган, ўз манфаатлари ва мақсадлари йўлида хизмат қиладиган барча моддий ва маънавий бойликлар мажмуини тушунмоқ лозим. Қадриятлар сермазмун ва кўп қиррали тушунча бўлиб, ўз ичига табиий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, моддий, маънавий, диний, ахлоқий, бадиий-эстетик ва ҳ.к. кабиларни олади. Ҳар қандай қадрият инсон фаолиятининг маҳсули, унинг атроф-муҳитга нисбатан бўлган муносабатининг ифодасидир. Қадрият жамият ижтимоий ва маънавий тараққиётининг зарурий маҳсулидир. Ҳар бир қадрият муайян бир давр шароит ва эҳтиёжининг маҳсули бўлиши билан бирга, унинг кўзгуси ҳамдир. Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо бўладилар ва ривожланадилар. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг кадр-қиммати бўлмайди. Қадриятлар инсоннинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун зарур бўлган ва фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар ва маънавий жараёнлар мажмуи билан боғлиқ

²⁵Примова Ф. Оилавий муносабатларда миллий ва диний қадриятларни тутган ўрни. - Тошкент:Маънавият, 1999. –Б 367.

²⁶Тураев Б. Информационное свойство пространства и времени // Естествензнание и философия. III международный семинар. — Санкт-Петербург: 1992.

равишда юзага келади . Маънавий кадриятлар, шу жумладан, юксак маънавият, одоб-ахлоқ, имон, эътиқод, инсофу диёнат, яхши ҳуқ-атвор инсонда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Маънавиятнинг ўзи эса, инсонга хос хусусият бўлиб, у жамият ҳаёти, тарбия, меҳнат, ҳаёт тажрибаси жараёнида шаклланиб, сайқал топиб, руҳий моҳиятга айланади. Ёшларга бериладиган тарбия, ахлоқ, юксак маънавият ҳақидаги тушунчалар қанчалик эртароқ бошланса ва тарбияланса, унинг самараси шунчалик кучли бўлади. Мустақилликка эришганимиздан кейин ёшлар тарбиясининг мазмун ва моҳиятида, усуллари ва шаклларида ўзгаришлар рўй бера бошлади. Таълим-тарбияда миллий кадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш асосий ўрин тутадиган бўлди. Тарихимиз, маданиятимиз, миллий урф-одатларимизга эътибор кучайди. Ёшларда миллий ғурурни шакллантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилаётганлиги фикрларимиз исботидир. Барпо этилаётган янги муҳитда ёшларда маънавий эҳтиёжларнинг ортиб бораётганлигини ҳам сезиш мумкин. Маънавий эҳтиёжларнинг шаклланиши, уларни қондириш моддий эҳтиёжларга нисбатан анча қийин ва мураккаб кечади. Маънавий эҳтиёжлар ҳар бир шахсда унинг руҳияти, дунёқараши, ахлоқий фазилатларига боғлиқ ҳолда турли даражада ва турли сифат кўрсаткичларига эга бўлади. Маънавий эҳтиёжлар ақлий, ахлоқий, ахлоқий, илмий, сиёсий, диний, фалсафий эҳтиёжларнинг мажмуасидан иборатдир. Бу жараён айрим инсонларда сезгилар, тасаввурлар, идроклар, туйғулар орқали шаклланади, бошқаларда эса тафаккур ҳодисалари билан боғлиқ ҳолда кечади. Инсоннинг маънавий эҳтиёжлари илк бор табиий, қонуний ҳодиса сифатида рўй берганлиги учун бу эҳтиёжлар турли давр, турли шароит ва турли хил муносабатлардан қатъи назар, ҳақиқий инсонийлик тушунчасининг таркибий қисмини ташкил этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий соҳаларида рўй бераётган ислоҳот ва ўзгаришлар эса айнан инсон ҳаётини яхшилашга, фаровонлигини таъминлашга, унинг моддий ва маънавий

эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Ёшлар маънавий эҳтиёжлари ижтимоий мазмуни жиҳатдан миллий маданиятга, кадриятларга, урф-одат ва анъаналарга асосланиб шаклланиб бормоқда. Барча давлатларда, жамики ижтимоий тузумларда инсон энг олий кадрият, деб ҳисобланади. Дарҳақиқат, тарих ҳам, тарихий тараққиёт ҳам инсон фаолиятдан бошқа нарса эмас. Ислом таълимотида инсоннинг таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи ҳақида жуда кўп қимматли маслаҳатлар, фикр-мулоҳазалар мавжуд. Муқаддас Қуръони Карим ва ҳадиси шариф инсоннинг маънавий камолоти учун беқиёс манба эканлиги ҳаммамизга маълум. Шарқ мутафаккирлари, олиму уламолари томонидан асрлар давомида одоб-ахлоққа оид минглаб китоблар, ҳикматлар яратилган. Инсонни улуғлаш, ундаги юксак фазилатларни куйлаш, руҳий, маънавий поклиги ҳақида қайғуриш ҳар бир тарихий босқичга хос бўлган интилишдир. Жамият тараққиётида турли ўзгаришлар рўй бериб туради. Одамларнинг дунёқараши, фикри, тафаккури, диний ғоялари ўзгариб, янгиланиб туради. Лекин ҳамма вақтда ҳам инсон моҳиятини англаш, унинг одоби ва ахлоқи, имони ва эътиқоди, қобилияти ва истеъдодини чуқур ўрганиш масаласи эскирмайди. Инсоннинг ички гўзаллиги, кадр-қиммати қадимданок Шарқ файласуф ва олимларини қизиқтириб келган. Уни “қоинотнинг гултожи”, “бутун мавжудотнинг сардори, дуру гавҳари”, “тенги йўқ”, деб аташга асосий сабаб ҳам ана шунда. Дарҳақиқат, инсон дунёда энг мураккаб, олий мавжудотдир. Шунинг учун ҳам, унинг кадр-қимматини эъзозлаш, турмушини яхшилаш, фаровонлигини ошириш, соғлигини сақлаш, маданият, билим ва савиясини ўстириш, ҳаётини ҳар томонлама ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг марказида турибди. Мамлакатимизда олий кадрият– Инсонни, унинг миллати, жинси, ирқидан қатъи назар ҳимоя қилиш, унинг ҳолига ғамхўрлик қилиб қайғуриш, турмушини яхшилаш, қобилиятини намоиш этиш учун муносиб шарт-шароитларни яратиш борасида катта ишлар қилинмоқда. Шу билан бирга, жойлардаги маънавий-руҳий муҳитни янада соғломлаштириш, миллий

кадриятларимизга асосланган ибратли анъаналаримизни ва ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини ўрганиш, юртдошларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, фарзандларимизда ноёб инсоний фазилатларни камол топтириш, бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш каби ибратли хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантириш; одамларимизнинг онги, тафаккури, маънавий дунёси замонга мос равишда ўзгариб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда миллий уйғониши, миллий ғоянинг жамиятимиз ҳаётига чуқурроқ кириб боришини таъминлашга қаратилган долзарб вазифаларни амалга ошириш катта аҳамиятга эга Жамият тараққиёти ҳар томонлама етук инсонни тарбиялаш учун нафақат зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш, балки маънавий-маърифий етуклик, ахлоқийликни ҳар бир кишида тарбиялашга кўп жиҳатдан боғлиқ. Ватанга, ота-онага содиқлик ва фидойилик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Булар заминда ёшларга оилада, таълим масканларида, маҳаллаларда бериладиган таълим-тарбия ётади. Оилада сингдирилган тарбия, Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Оила кишилар ҳаётининг энг муҳим қисми, жамиятнинг кичик ҳужайраси, ижтимоий-маданий асосдир. Оила— кишиларнинг табиий-биологик, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган бирлик. Оила ўзида миллий удум ва расм-русумларни мужассамлаштиради, миллий анъаналарни сақлаш, ўрганиш ва авлоддан авлодга ўтказиш каби муҳим вазифани ҳам бажаради. Инсоннинг мустақиллиги, дунёқарashi, хулқ-атвори, одоби, ахлоқи, турли миллат вакилларига бўлган муносабати ва ҳурмати, маданий-маънавий кадриятларга бўлган қизиқиши ва муҳтожлиги, буларнинг ҳаммаси оилада шаклланади. Ўзбек оилаларида меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, меҳр-оқибат, имонлик ва руҳий поклик, оилани қуриш ва мустаҳкамлаш, илмга интилиш каби ҳақиқий инсоний фазилатлар ҳар бир одамга она сути билан сингдирилади. Бугунги кунда мамлакатимизда оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамланишга, оила манфаатларини, оналик ва

болалик ҳуқуқини қонуний жиҳатдан янада муҳофаза қилишга, оила соғлигини сақлаш ва унинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ахлоқ – инсон ҳаётида ўз-ўзини идора қилиш меъёрларини, бошқалар билан муносабатда бўлиш маданиятини, ҳалол ишлаб тўғри турмуш кечириш мезонларини белгилайди. Айнан шу туфайли, таълим-тарбиянинг асосий мақсади ҳар бир шахсда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришдан иборат. Жамият маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришда, ахлоқий кадриятларни тиклашда тарбия, таълим соҳаларининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Одоб-ахлоқ, таълим-тарбия соҳасидаги кадриятларимиз бизлар учун фақат миллий меросгина эмас, балки инсоният маънавий ҳаёти давомида катта ўрин олиши мумкин бўлган маънавий бойлик ҳамдир. Ана шу миллий, ахлоқий кадриятларимизни тиклаш, улардан тўла баҳраманд бўлиш, ёш авлодни улар билан таништириш мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, одамларда инсонпарварлик, ватанпарварлик сингари фазилатларни қарор топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ахлоқий кадриятлар кишиларнинг бир-бирларига, ўзлари мансуб жамоага, Ватанга нисбатан тарихан таркиб топган муносабатларини ифодалайди. Ахлоқ, муайян хулқ-атвор, одоб, хатти-ҳаракат, қоида ва тамойиллар мажмуасидан ташкил топади. Одоб, норма ва тамойиллар кишиларнинг ўзаро муносабатларида мавжуд бўлади. Айнан шу муносабатлар натижасида яхшилик ва ёмонлик, бурч, виждон, ор-номус, адолат, бахт каби тушунчалар ҳосил бўлади. Инсоннинг оила, жамият, халқ, миллат манфаатларини англаб қилаётган ҳар қандай хатти-ҳаракати яхшилик категорияси нуқтаи назаридан баҳоланади. Барча ахлоқий меъёрлар юриш-туриш қоидалари сингари, жамики инсоний кадриятлар ва жамият тараққиёти талаблари асосида юзага келиб, янги мазмун, янги шакл касб этиб, бойиб ва такомиллашиб боради. Ахлоқий кадрият ва фазилатлар, уларни шакллантиришнинг миллий жиҳатлари ҳар доим сақланиб қолади ва жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга мойил бўлади. Халқимиз

миллий маънавияти ўзига хос эркак ва аёлларнинг шарқона ахлоқий фазилатлари, ота-она ва фарзандлар, кўни-кўшнилари, маҳалла-куй алоқалари, ҳалоллик, имон ва виждон билан боғлиқ маънавияти ҳозирги кунда жамиятимиз тараққиётининг муҳим омили сифатида хизмат қилади. Жамиятимиз ҳар бир инсонни эъзозлаб, унинг турмушини яхшилаш, билимини ва маданий савиясини ўстириш, қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳамма имкониятларини ишга солади. Мустақиллигимизнинг пойдеворини мустаҳкамлашда жамият аъзолари маданий-маънавий, ахлоқий камолоти суръатларини тезлаштириш, таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, маърифий тадбирларни мунтазам амалга ошириш бениҳоя катта аҳамиятга эга. Агар инсон тўғри тарбия топмаса, унинг фаолияти жамият учун зарарли бўлади. Жамият ҳаётидаги барча муаммолар маънавий жиҳатдан баркамол бўлган кишиларнинг фидокорона, ҳалол меҳнати асосида рўёбга чиқади. Аслини олганда ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи тушунчаси саломалик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ – бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани. Давлатимиз келажаги, равнақи ёш авлод тарбияси ва таълимига боғлиқ. Ёшлар Ватанимиз, мамлакатимизнинг келажагидир. Биз Ўзбекистон тақдирини уларга ишониб топширамыз. Бунинг учун ёшлар зиммаларига юкланаётган мураккаб вазифанинг бутун моҳиятини чуқур англашлари, ҳис қилишлари, унга муносиб бўлиш учун ҳозирданок тайёргарлик кўришлари лозим. Ҳозирги вақтда жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири – ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш умумтаълим мактабларида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари тизимининг асосий мақсадига айланттириш. Ёшларда ўз Ватани билан фахрланиш туйғуси ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат одамнинг қалбига она сути билан бирга киради. Инсонда юртга, Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч туйғуларини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга²⁷.

²⁷ Ёқубова М. Ижтимоий тараққиёт ва маданиятнинг ахборотлашуви. -Тошент:Нишон-Ношир. 2010. Б-47

Ёшларни миллий кадриятлар асосида тарбиялаш уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилиб, маънавий комилликка эришувида асосий ва белгиловчи омил вазифасини ўтайди. Юқоридагиларга асосланиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: – кадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади; – халқимиз томонидан яратилган кадриятлар муайян ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлса ҳам, ўз навбатида, жамият тараққиётига, ҳарбир фуқаро, айниқса, ёшлар тарбиясига, ниҳоятда катта таъсир кўрсатадиган муҳим омил ҳамдир; – миллий, маънавий кадриятларимизнинг барча турлари инсоннинг фаровон ҳаёт кечиришини, эркин яшаши, маънавий-ахлоқий камол топиши учун хизмат қиладиган воситалар ҳисобланади. Миллий ва умуминсоний кадриятлар ўртасида уйғунлик мавжуд бўлса-да, халқимиз томонидан яратилган ажойиб кадриятлар ўзлигини йўқотмаган ҳолда сақланиб қолган. Ҳозирги кунда миллий кадриятларимизни янада ривожлантириш, улар асосида ёшларимизни тарбиялаш учун қуйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ иш бўлар эди: миллий, маънавий кадриятларимизни тиклаш, бу борада беайб қораланган ва қолоқ, деб эълон қилинган кадриятларимизни юксалтириш ва янада ривожлантиришга кўмаклашиш; миллий кадриятларимизни такомиллаштириш йўли билан кишиларни умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш; Марказий Осиё мамлакатлари билан биргаликда мазкур ҳудудда истиқомат қилган халқлар томонидан яратилган бой маънавий меросни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш борасида интеграция жараёнларини тезлаштириш; Марказий Осиё мамлакатларининг архив фондларида сақланаётган бой илмий, фалсафий, тарихий, адабий меросни таржима қилиш йўлидаги сай-ҳаракатларни жадаллаштириш; ёшларга миллий кадриятларимиз, маданиятимиз ва маънавиятимизни янадач уқурроқ ва тўлароқ ўзлаштириб олишга ҳар томонлама кўмаклашиш билан бир қаторда ўтмишда кенг қўлланилган сиёсий-оқартув ишларини жонлантириш; маданият соҳасига тааллуқли

бўлган барча вазифалар, илм-фан, маданият ва маориф муассасаларининг иштирокида миллий маданиятни ривожлантиришнинг Давлат дастурини ишлаб чиқиш, уни изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этиш; барча ижтимоий фанлар туркумини миллий қадриятлар, маданий меросимиз, бой урф-одатларимизни эътиборга олган ҳолда мазмунан янгилаб, қайта ишлаб чиқиш; Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда, меҳнат жамоаларида сиёсий ўқувларни ўтказиш. Чунки фақатгина юксак маданият, маърифатга, ғоявий-сиёсий етукликка эга бўлган инсонгина давлатимиз иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий мустақиллигини таъминловчи кучга айланиши мумкин. Мамлакатнинг келажаги, унинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлиги шубҳасиз ёшларнинг қўлида. Баркамол, юксак маънавиятли шахслар, Ватанга садоқат руҳида ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Айниқса, бугунги глобаллашув даврида бизнинг асосий вазифамиз - уни турли хил ахборот ҳужумларидан, четдан кириб келаётган бегона мафкурадан асрашдир. Бироқ, дунёнинг баъзи кучлари вазиятни янада кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, “оммавий маданият” номи остида ҳар доим зўравонлик ва ҳегемонядан фойда олган кучлар турли хил салбий фикрларни кенг тарғиб қилмоқда. Бу жараён бугунги кунда рокк ва поп мусиқасини, бошқа жанрларда, сериалларда, кўнгилочар тадбирларда, ўйинлардаги барча видео ва филмларни қамраб олади. “Оммавий маданият” деган ном остида антик-маданият тарқалиб бормоқда.


Социологларнинг таъкидлашича, “оммавий маданият” тарафдорлари номаълум йўналишда сузаётган одамлардир. Бундай киши учун ахлоқ тамойиллари иккинчи даражали ҳисобланади, чунки унинг онги асосан оддий, примитив ва кераксиз нарса ва масалаларга қаратилган. Мустақил ривожланиш йўлини танлаган ва янги жамият қурадиган ҳар бир миллат учун ахлоқ ва миллий маданиятни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, энг долзарб ва устувор вазифадир.

3.2. “Оммавий маданият”нинг ёшлар онгига таъсирини социологик таҳлили

Диссертация ишининг ушбу қисми илгариги назарий бобларнинг мантиқий давоми бўлиб, унда ёшларнинг “оммавий маданият” ҳодисасига бўлган шахсий муносабатлари ўзимиз томондан ўтказилган эмпирик социологик тадқиқотнинг амалий маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Бунда ёшлар ҳаёт тарзига оид ҳамда уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, тузилган саволлар ёрдамида “оммавий маданият”га нисбатан мавжуд муносабатни ўрганишга интилдик.

Мазкур социологик тадқиқот 2018 йилнинг май ойида Ўзбекистон Миллий университети ва Наманган давлат университети талабалари орасида ўтказилди. Тадқиқотнинг асосий мақсади бу – диссертация ишида илгари сурган назарий хулосаларимизни эмпирик материаллар ёрдамида, амалий жиҳатларда асослашдан иборат.

Социологик тадқиқотда жами 128 та респондент қатнашиб, уларнинг 56 таси ЎзМУ, 72 таси Наманган давлат университети талабалари ҳисобланади. Шунингдек, тадқиқотда 95 та эркак ва 33 та аёл жинсига мансуб респондентлар иштирок этишди. Тадқиқотнинг илк саволини “Туғилиб, ўсган жойингиз ҳақида маълумот беринг”, деб респондентлардан сўрадик, саволнинг натижалари эса қуйидаги диаграммада ўз аксини топди.



Кейинги йилларда оммавий маданият тез-тез тилга олинар экан, ёшлар орасида бу ҳодиса ҳақида қандай маълумотлар мавжуд эканлиги бизни қизиқтирди ва шу туфайли кейинги саволмиз қуйидагича бўлди, “Оммавий маданият” ҳақида ўзингизни қай даражада билимли, деб биласиз? деб берилди ва қуйидаги натижалар олинди. НамДУ респондентларининг 24% бу ҳодиса ҳақидаги ўз билимларини юқори даражада, 76% ўрта даражада, деб маълум қилдилар. ЎзМУ талабаларининг 31% юқори даражада, 68% ўрта даражада ва атиги 1% эсапаст даражада, деб белгилади. Бундан кўришиб турибдики оммавий маданият ҳақида талабаларни билими кувонтирадиган даражада эмас.


Навбатдаги савол билан респондентларни “Оммавий маданият” ҳақидаги маълумотни ёшлар қаердан олишлари мумкинлигини аниқлашга уриндиква буни қуйидаги жадвал кўринишида такдим этишни лозим топдик.

“Оммавий маданият” ҳақидаги маълумотни олиш манбалари

№	Жавоблар	ЎЗМУ	НАМДУ
1	Интернет	22 %	20 %
2	Матбуот	12 %	6 %
3	Радио ва телевидение	13 %	23 %
4	Яқин дўстлар	1 %	1 %

Қуйинги савол орқали ёшларни оммавий маданият ҳақидаги тасаввурини билишга уриндик ва бу маълумот қуйидаги жадвалда ўз аксини топди.

Расм 2




Юқоридаги саволга берилган жавобларни конкретлаштириш зарурлиги туфайли қуйидаги яна бир муҳим саволни– “Агар жавобингиз ижобий бўлса, унинг сабабларини кўрсатинг”? илгари суришга қарор қилдик ва натижаларни ушбу жадвалда кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Ижобий жавоб сабаблари

№	Жавоблар	ЎЗМУ	НАМДУ
1	Фаровон ҳаёт тарзини ифодалайди.	20 %	12 %
2	Миллий маданият ва урф-одатларнинг мазмунини бойитади	8 %	18 %
3	Миллий маданият ва урф-одатларни замонавийлик билан уйғунлаштиради	14 %	18 %
4	Диний қадриятлар аҳамиятини кенгроқ тарғиб қилади.	6 %	2 %
5	Ёшларни ота-она қармоғидан ташқарида мустақил тарбия топишини таъминлайди	16 %	8 %
6	Кишиларнинг кенг интеллектуал салоҳиятини намоёиш қилади	20 %	22 %
7	Бошқаси	2 %	0%

Олдинги саволни салбий томонини аниқлаштириш учун эса агар жавобингиз салбий бўлса, унинг сабабларини кўрсатинг, деб мурожаат қилдик ва жавобларни ушбу диаграммада кўрсатишни лозим топдик.

Расм 3



Кейинги савол “Сизнингча, hozirda Farb turmush tarzining ўzbek jamiyati haʼtiga taʼsiri qay darajada”? orkali eʼshlarнинг Farb turmush tarziga munosabatini aniklamokchi bʼldik va kuyidaги natijalar maʼlum bʼldi Sʼrovda ishтирок etgan umumiy respondentларнинг 26% yuqori. 50% ʼrtacha, 4% taʼsiri йuq va nihoyat, 18% bilimdim deb javob beriшgan.

Maʼlumki, boʼshqa madaniytdan kirib kelgan hodisalar boʼshqa jamiyat haʼtiga ўz taʼsirini ўtkazmay qolmaydi. Aksariyat hollarda slabiy taʼsirning salohiyati yuqori bʼlishi kuzatiladi. Mazkur taxminimizni tasdiqlash maqsadida “Сизнингча, “omaviy madaniyat” elementlarining ўzbekchilikka singib ketishi qanday oqibatlarга olib keladi”? degan savolni shakllantirdik va olingan natijalar kuyidaги jadvalda ўz aksini topdi.

Жадвал 3.

“Оммавий маданият” элементларининг ўzbekchilikka singib ketishi oqibatлари

№	Жавоблар	ЎЗМУ	НАМДУ
1	Ота-она ва фарзанд ўтасида ибo, haʼ kʼtariladi.	50 %	56 %
2	Эркак ва аёл ўртасида уят bʼlмайди.	22 %	30 %
3	Кўшничилик ва қариндошчилик aloqalaridaги андиша йuqолади.	10 %	20 %
4	Телевидение ва миллий киноларимизда behaʼ lavxalar илдиз отади.	14 %	6 %
5	Ўzbek oilasi mastahkamligi va barqarorligiga жиддий путур етади.	52 %	42 %
6	Бошқаси	6 %	2 %

“Bugungi kunda ushbu axloqsiz xolat atrofimizdagi eʼshlar orasida ham kurtak eʼzmoqda, deb hisoblaysizmi?” deb sʼraganimizda 80% respondent Xa. 10% Йuq va 10% esa bilimdim deb javob berdi.

Мазкур жавобларнинг мазмунига янада ойдинлик киритиш мақсадида Агар жавобингиз “Ҳа” бўлса, юртимиз айрим ёшларининг миллий маънавиятдан узоқлашиши сабабини кўрсатинг деган саволни ёшлар ҳукмига ҳавола қилдик ва олинган натижалар қуйидаги диаграммада ўз ифодасини топди.

Расм 4



Респондентларимизни бу ҳолатга фикрини билиш мақсадида қуйидаги савол билан муурожаат қилдик: “Бундай ҳолат салбий жамиятимизда оммавий тус олмаслиги учун қандай чоралар кўрилишини тавсия қиласиз?” Бунга жавобан эса НамДУ 18% респонденти телекўрсатувлар, айниқса кўнгил очар кўрсатувлар бўйича маънавий-ахборот хавфсизлиги назоратини жорий қилишни, 28% ёшларнинг маънавий-руҳий ҳаётини ҳақиқий маънода юксалтиришни. 12% ёшларда бошқалардан нимани олиш мумкин ва мумкин эмас, деган дунёқарашни шакллантиришни, 19% оила азолари орасида самимий ва соғлом муҳитни шакллантиришни, 15% бунёдкор миллий ғояларни ёшлар онгига

сингдиришни, 8% таълим тизимининг барча босқишларида ёшларни ислом дини қадриятлари билан яқиндан таништириш фикрини билдирганлар.

ЎЗМУ талабаларидан 28 % респондент телекўрсатувлар, айниқса кўнгил очар кўрсатувлар бўйича маънавий-ахборот хавфсизлиги назоратини жорий қилишни, 16 % ёшларнинг маънавий-руҳий ҳаётини ҳақиқий маънода юксалтиришни, 24 % ёшларда бошқалардан нимани олиш мумкин ва мумкин эмас, деган дунёқарашни шакллантиришни. 17 % оила аъзолари орасида самимий ва соғлом муҳитни шакллантиришни, 6 % бунёдкор миллий ғояларни ёшлар онгига сингдиришни, 9 % таълим тизимининг барча босқишларида ёшларни ислом дини қадриятлари билан яқиндан таништириш фикрини билдирганлар.

Ёшларнинг миллий маданиятимиз борасидаги фикрларини билиш мақсадида “Сизнингча ёшлар миллий маданиятимизга асосланган қайси хатти-ҳаракатлари билан катта авлодни хурсанд қилайтилар?” деган саволни илгари сурдик ва уларнинг фикрлари ушбу жадвалда баён килинди.

Жадвал 4.

Катта авлодни ёшларнинг хурсанд қилаётган хатти-ҳаракати

№	Жавоблар	ЎЗМУ	НАМДУ
1	Миллий ахлоқ ва маънавийликка таянган оилавий тарбия.	12 %	14 %
2	Диний тарбия ва унинг асосида гуноҳ ишларни қилишдан кўрқиш	9 %	10 %
3	Маҳалла ва жамоатчилик олдидаги шармандалиқдан кўрқиш	12 %	10 %
4	Бошқаси	11 %	8 %

Ҳеч биримизга сир эмаски, оммавий маданиятнингасосан салбий томонлари мавжуд. Салбий томонларини кенгрок ёритиш мақсадида Ёшларнинг оммавий маданият таъсиридаги қайси хатти-ҳаракатларидан катта авлод ранжиётган бўлиши мумкин? деб сурадик ва 10 % респондент кибр ва мақтанчоқлиги, 27 % енгил-елпи йўллар билан осонликча бойлик

топишга интилиши, 15 % миллий ва диний қадриятлар, урф-одатларимизга эътиборсизлиги, 9% ўзаро муомулада ўта қўпол бўлиши, 28 % очиқ-сочиқ кийиниши ва бачкана хатти-ҳаракатлари билан ота-онасини жамоатчилик олдида ноҳуш ҳолатга солиб қўйиши, 11% китоб ўқиш, илмли ва хунарли бўлишга эътибор қилмаслигини этироф этишган.

Кишини ахлоқсизликлардан тия оладиган асосий омил нима?” деган саволимизни илгари сурдик ва унга олинган натижаларни эса қуйидаги жадвалда кўрсатишга уриндик.

Жадвал 5

Кишини ахлоқсизликлардан тия оладиган асосий омил


Респондентларнинг миллий қадриятлар борасидаги фикрларни

№	Жавоблар	ЎЗМУ	НАМДУ
1	Миллий ахлоқ ва маънавийликка таянган оилавий тарбия.		
2	Диний тарбия ва унинг асосида гуноҳ ишларни қилишдан кўрқиш		
3	Маҳалла ва жамоатчилик олдидаги шармандалиқдан кўрқиш		
4	Бошқаси		

билиш учун “Инсон ахлоқий фазилатларининг шаклланишида миллий қадриятларининг ўрни қай даражада, деб ҳисоблайсиз?” деган савол билан мурожаат қилдик. Жами респондентларнинг 40 % жуда юқори, 34 % юқори, 16 % ўртача, 4 % аҳамиятсиз, 16 % умуман аҳамиятсиз, 6 % билмадим деган фикрларини изҳор этишди.

Маълумки, кишини юксак ахлоқ ва одоб эгаси бўлишида диний эътиқоднинг ҳам ўзига яраша улуши бор. Мазкур фаразимизни текшириб кўриш мақсадида респондентларга мурожаат қилганимизда улар қуйидаги диаграммада акс этган муносабатларини маълум қилишди.

Кишини юксак ахлоқ ва одоб эгаси бўлиши диний эътиқодга бевосита боғлиқми?



Ҳозирги ёшлар орасида миллий-маданият кадриятлари борасидаги карашлар турлича талқин қилинади, бу борадаги уларнинг фикрларини янада аниқлаштириш мақсадида қуйидаги савол билан мувожат қилдик ва буни университетлар миқёсида таққослашга уриндик.

Жадвал 6.

Ёшларни миллий маданият кадриятларидан етарли хабардор бўлишлари учун амалга ошириладиган ишлар

№	Жавоблар	ЎЗМУ	НАМДУ
1.	Миллат тарихига оид нашрларни мунтазам тарзда ўқиб бориш	16 %	42 %
2.	Маънавий соҳа олимлари билан учрашувларни мунтазам ташкил этиш	28 %	28 %
3.	Маънавий соҳа олимлари билан учрашувларни мунтазам ташкил этиш	40 %	52 %
4.	Маҳалларда ёшларни ақиқа тўйлари, дафн маросимлари ва эҳсон тадбирларига кўпроқ жалб этиш.	20 %	12 %
5.	Кекса авлод вакилларини ёшларга ўзбекона одоб-ахлоқ асосларини хаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, тушунтириб боришлари	30 %	40 %

Кейинги саволимиз орқали девиант хулқ-атворни миллий диний кадриятларга ўзаро алоқасини ўрганишга ҳаракат қилдик. “Оммавий маданият” маҳсули бўлган: гиёҳвандлик, алкогольизм, уятсизлик ва ҳаёсизлик каби жиддий ижтимоий муаммоларни бартараф қилишда миллий-диний кадриятлар муҳим аҳамиятга эгами? деган саволни илгари сурдик ва ушбу саволга ЎзМУ талабаларининг 41 % ҳа деб жавоб берган бўлса, НамДУ талабаларининг 43 % ҳа деб этироф этишган. Йўқ деган жавобни эса ЎзМУ 4 %, НамДУ 2 %, жавоб беришим қийин деб ЎзМУ ва НамДУ 3 % респондентлар белгилаб беришган.

Юқоридаги савол жавобларинининг таҳлилни чуқурлаштириш мақсадида “Агарда жавобингиз ижобий бўлса, унинг асосий сабабини кўрсатин” деб берилган саволимизга куйидаги жавоб вариантини ва уларни навбатдаги даиграммада кўришимиз мумкин.

Расм 6



Маълум қилинган жавобларда салбий муносабат ҳам учради ва у куйидаги диаграммада ўз маъносини акс эттирди.



Кишилардаги иймон-эътиқод уларни номақул ишлардан тийилишига хизмат қилишини ўтган аждодларимиз ҳаётидан яхши билар эканмиз, хўш, бугунги авлод бу анъаналарга рия қилаяптими? Шу масалага ойдинлик киритиш мақсадида “Катта даромад келтирадиган ишни бошлаётганингизда у миллий одоб-ахлоқ талабларига тўғри келмаслигини билиб қолсангиз, ўша ишни тўхтата оласизми?” номли саволни репондентлар ҳукмига ҳавола қилдик ва олинган натижаларга мувофиқ НамДУ талабаларини 41 % ҳа, албатта, 1 % йўқ, моддий ҳаётимни яхшилашда миллий одоб-ахлоқ талаблари билан ҳисоблашмайман, 9% билмадим деб айтишган бўлса, ЎзМУ репондентларининг 32 % ҳа, албатта, 8 % йўқ, моддий ҳаётимни яхшилашда миллий одоб-ахлоқ талаблари билан ҳисоблашмайман, 8 % билмадим жавобини олдик. Бундан куришиб турибдики НамДУда миллий одоб ахлоққа рия қилиш нисбатан кучлироқ экан. Амалий тадқиқотимиз анкетасидаги охириги саволи оила масаласига қаратилган бўлиб, унда оила қурмоқчи бўлиб турган яқин кишингизга қандай дунёқарашга эга бўлган турмуш ўртокни танлашни тавсия қиласиз? деган саволни илгари сурдик.

Яқинларига тавися қилинаётган умр-йўлдошнинг дунёқараши

№	Жавоблар	ЎЗМУ	НАМДУ
1	Замонавий	28 %	26 %
2	Миллий	50 %	66 %
3	Диний	4 %	16 %
4	Европалашган	6 %	4 %

Тадқиқот натижаларини шундан далолат бераяптики, бугунги кун ёшларининг ахборотга бўлган талаби жуда катта. Сўровда иштирок этган талаба ёшлар ўз ўқув фаолиятлари учун оммавий ахборот маълумотларидан фаол фойдаланишар экан. Айниқса, бу борада интернет тармоқларининг улуши юқори даражани ташкил этади.

Тадқиқот давомида респондентлар ўз ахборот психологик хавфсизлигини таминлашларида, айниқса миллий ва диний қадриятларимиз ва улар асосида шаклланган миллий менталитетимиз «оммавий маданият» шаклида жамиятимиз ҳаётига суўқилиб киришга интилаётган салбий ижтимоий иллатларга ишончли тўсиқ бўлаётганини берилган саволларга қайтарган жавобларида намоён қилишга муваффақ бўлишди. Бу албатта тадқиқотимизни ўз мақсадига эришганини ҳосилидир.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Учинчи боб олдинги бобларнинг мантикий давоми бўлиб, унда ёшларда мафкуравий иммунитет шаклланишининг ижтимоий-маданий омиллари ҳақида фикр юритилган ва диссертация ишнинг амалий қисми бўлиб социологик тадқиқот натижаларига таянган ҳолда асослаб берилди. ушбу бобда сўров методининг ёзма шакли, яъни анкета ўтказишдан унумли тарзда фойдаланишга муваффақ бўлинди. Тадқиқотнинг натижалари бир қатор жадваллар ва диаграммаларга берилгани эса ишнинг амалий қисмини яққол ёритиб берганидан далолат берад.

Социологик тадқиқотда жами 128 та респондент қатнашиб, уларнинг 56 таси ЎзМУ, 72 таси Наманган давлат университети талабалари ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларини шундан далолат бераяптики, бугунги кун ёшларининг ахборотга бўлган талаби жуда катта. Сўровда иштирок этган талаба ёшлар ўз ўқув фаолиятлари учун оммавий ахборот маълумотларидан фаол фойдаланишар экан. Айниқса, бу борада интернет тармоқларининг улуши юқори даражани ташкил этади.

Тадқиқот давомида респондентлар ўз ахборот психологик хавфсизлигини таминлашларида, айниқса миллий ва диний қадриятларимиз ва улар асосида шаклланган миллий менталитетимиз “оммавий маданият” шаклида жамиятимиз ҳаётига суқилиб киришга интилаётган салбий ижтимоий иллатларга ишончли тўсиқ бўлаётганини берилган саволларга қайтарган жавобларида намоён қилишга муваффақ бўлишди. Бу албатта тадқиқотимизни ўз мақсадига эришганининг ҳосилидир.

ХУЛОСА

Жамият ҳаётининг барқарорлиги ва ривожини ҳар томонлама етук, юксак маънавиятли комил инсонларга боғлиқ. Шунинг учун инсоният таракқиётининг барча даврлари жамиятда баркамол инсонларни таркиб топтиришга интилиш жараёнларидан иборат бўлган. Комил инсонларни тарбиялашда жамият маънавий ҳаётига катта эътибор бериш ва инсонлар онгини захарловчи маънавий-мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш эришиш лозим. Айниқса, ҳозирги глобаллашув жараёнида “оммавий маданият” таҳдидларининг олдини олиш долзарб аҳамият касб этиб, мазкур муаммони ҳал этиш янгича ёндашув ва самарали йўллари излаб топишни талаб этади. Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур муаммони социологик жиҳатларда ўрганиш долзарблик касб этишини магистрлик диссертация ишида ҳам назарий, ҳам амалий материаллар асосида кўрсатиб ўтишга баҳоқудрат ҳаракат қилдик. Олиб борилган тадқиқотнинг натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли маънавий-маърифий ислохотлар миллий маданият ривожланишига, инсон маънавий камолоти, бахт-саодати, ёрқин истиқболи, фаровон турмушини таъминлашга, айниқса, ёшлар ва баркамол авлод тарбияси борасида уларни янада билимли, доно, ахлоқ-одобли қилиб тарбиялашга, четдан кириб келаётган мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган.

2. Глобаллашув жараёнида мамлакатимизга ижобий жараёнлар билан биргаликда салбий иллатларни ўз ичига олган “оммавий маданият” ўз таҳдидлари билан кириб келмоқда. Бу эса мамлакат миллий маданияти таракқиётига сезиларли даражада салбий таъсир ўтказади. Ушбу муаммони бартараф этиш бугунги давр нуқтаи назаридан келиб чиққанда, мамлакат миллий маданиятининг янада ривожланишига асос бўлади.

3. “Оммавий маданият” ижтимоий мазмун-моҳиятига кўра, инсонни реал ҳаётдан узоқлаштиради. Табиат ва жамиятда содир бўладиган жараёнларни афсоналаштиради. Онгда ақлий фикрлашдан чекиниш содир

бўлади. “Оммавий маданият”нинг мақсади – бўш вақтни тўлдириш, инсонни фақат истеъмолчига айлантириш, алдовга осон ишонадиган шахсни шакллантириш, маданиятни пассив ва танқидсиз ўзлаштирувчи оммани вужудга келтириш. Бунинг натижасида инсоннинг ўз миллий маданияти ва маънавиятидан бегоналашуви кузатилади, яъни буюк адиб Чингиз Айтматов таъбирича, жамият аъзолари орасида манқуртларлар кўпайиб боради.

4. Ахлоқий тарбиянинг энг таъсирчан воситаларидан бири ўрнак-намунадир. Мустақиллик йилларида тарихий-маънавий меросдан фойдаланиш, хусусан, буюк аждодларимизнинг ахлоқий-маънавий қарашларига катта эътибор қаратилди. Жумладан, Муҳаммад ал-Хоразмий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср ал-Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби алломаларнинг илмий меросидаги ахлоқий қарашлар, инсонпарварлик ғоялари ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Шарқ менталитетига хос бўлган ахлоқий-маънавий қарашлар “оммавий маданият” таҳдидларининг осонгина кириб келишига йўл қўймайди.

5. Ёшлар маънавий дунёсини шакллантириш ҳамда “оммавий маданият” таҳдидларининг олдини олишда оила, маҳалла, мактаб, таълим тизими муассасалари ва меҳнат жамоасининг таъсири катта. Мустақиллик йилларида ушбу институтлар тизими ва ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ушбу ўзгаришлар бугун таълим-тарбия жараёнларини янги давр нуқтаи назаридан ташкил қилишга ундайди.

6. “Оммавий маданият” таҳдидлари ёшларда миллий ўзликдан бегоналашиш, лоқайдлик, бефарқлик ва шу каби иллатларни келтириб чиқаради. Бугунги кунда мазкур таҳдидларга қарши тура олишда миллий кадрятлар миллий ғоянинг миллий маънавий мерос ва комил инсон тамойилларига таянган ҳолда амалий ишлар олиб борилмоқда.

7. Бугунги кунда “оммавий маданият” таҳдидларининг олдини олиш ва унга қарши чораларни жамоатчилик онгига сингдириш муҳим аҳамият

касб этади. Жамият тараққийетининг асосий вазифаларидан бири миллий маданият намуналарига эътиборли бўлиш ва уни ривожлантириш жараёнига салбий таъсир кўрсатувчи таҳдидларни бартараф этишни изчил шакллантиришдан иборат. Шундай экан, “оммавий маданият” таҳдидларининг олдини олишда инсонларнинг маънавий жиҳатдан етуклиги, яъни уларнинг тарихимизга, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизга, меросимизга, она тилимизга муносабати муҳим роль ўйнайди. Юқорида билдирилган фикрларимиздан келиб чиқиб, мазкур маъсулиятли вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун куйидагиларни тавсия этамиз:

- жамиятнинг асосий институти бўлган оилада фарзандлар тарбиясига ота-оналар маъсулиятини янада оширишга эришиш;

- мамлакатимиз таълим тизимининг барча бўғинларида ёшлар тарбиясини олиб боришда миллий ва диний қадриятларимиздан янада унумлироқ фойдаланишни таъминлаш;

- “оммавий маданият» таҳдидларига қарши курашда барча замонавий ахборот воситалардан фойдаланиш, айниқса телевидение ва радио ёрдамида бу салбий ҳодисанинг мақсадларини очиб беришда янгича ёндашувларни қўллаш;

- ёшларнинг интернет маълумотларидан фойдаланишларида миллий маънавиятимизга мутлақо ёт бўлган хабарлардан тийилиш ҳисини шакллантирувчи механизмларнинг таъсирчанлигини ошириш;

- телеканалларимизнинг кўнгил очар кўрсатувларида Ғарб маданиятига тақлид кўринишидаги ва миллий маданиятимиз қадриятларига мос келмайдиган клипларни намоёйиш қилинишларини тўхтатишга эришиш.

Мазкур магистрлик ишида муаммонинг айрим социологик жиҳатларини таҳлил қилишга интилдик. Келгусидаги илмий изланишларимизда мазкур магистрлик иши маълумотлари дастлабки илмий манбаалардан бўлиб қолишига аминмиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

- 1.1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т: Ўзбекистон, 2017. – 80 бет.
- 1.2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т.: Адолат, 2017. 25 бет
- 1.3 Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2017 й
- 1.4.“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда
- 1.5.Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 313-модда, 19-сон, 335-модда

2. Раҳбарий адабиётлар.

- 2.1..Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон 2017. 488 б
- 2.2.Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 104 б.
- 2.3.Мирзиёев Ш.М. Қонун устунлиги ва инсон манфаатлари таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллиги бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 й 7-декабрь. – Т.: 2017.
- 2.4.Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини бирга барпо этимиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига

- киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2016. 56 б
- 2.5.Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.- Т.:Ўзбекистон, 1999.
- 2.6.Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11- жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
- 2.7.Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди. 13-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
- 2.8.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон. 1998
- 2.9.Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 2.10.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
- 2.11.Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. –384 б.

3. Китоблар

- 3.1. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишув. –Т.:Академия, 2007
- 3.2.Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – 387 б.
- 3.3.Давлатова С. Т. Ўзбек миллий қийимлари: анъана ва замонавийлик. – Т: Янги аср авлоди, 2006. – 213 б.
- 3.4.Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. - Т:Ўқитувчи, 2003. – 356 б.
- 3.5.Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек қийимлари. – Т:Фан. 1979. – 296 б.
- 3.6.Қозоқбоев Т. Турмуш маданияти. - Т:Фан, 1968. – 280 б.
- 3.7.Қозоқбоев Т. Ўзбек оиласининг турмуш маданияти. - Т:Фан. 1968. – 360 б.

- 3.8. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”. -Т: Ўзбекистон, 2000. – 287 б.
- 3.9. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. Т: Янги аср авлоди, 2008.
- 3.10. Примова Ф. Оилавий муносабатларда миллий ва диний қадриятларни тутган ўрни. - Т: Маънавият, 1999. – 367 б.
- 3.11. Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот –Т: Академия, 2008
- 3.12. Саифназарова Ф. Ўзбек оиласи: ижтимоий ва маънавий қадриятлар. - Т: Янги авлод, 2007. – 190 б.
- 3.13. Сулаймонова Ф. Ғарб ва Шарқ.- Т: Ўзбекистон, 1997. – 400 б.
- 3.14. Тимоти Ж. Уинтер. XXI асрда Ислом. –Т: Шарқ, 2005. – 365 б.
- 3.15. Тоҳир Малик. Одамийлик мулки. –Т: Шарқ, 2008. – 606 б.
- 3.16. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 3,8-жилд. –Т: ЎЗМЭ, 2006. – 850 б.
- 3.17. Юнусов А. Фарзанд тарбияси, ахлоқ ва оила муносабатлари. – Тошкент: Янги авлод, 2002. –

4. Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

- 4.1. Ёқубова М. Ижтимоий тараққиёт ва маданиятнинг ахборотлашуви. - Т: Нишон-Ношир. 2010.
- 4.2. Жумаев Р.З. ва бошқалар. Конфликтология. –Т: 2001
- 4.3. Қаххарова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси – Т.: Тафаккур нашриёти, 2009
- 4.4. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати - Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2009
- 4.5. Миллий истиқлол ғояси. - Т: Академия. 2005.
- 4.6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т: Ўзбекистон, 2000.
- 4.7. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. –Т: Мухаррир нашриёти, 2009;

4.8. Умарова Н. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига қарши кураш. –Т: Академия, 2005

4.9. Фалсафа қомусий луғат. Қ. Назаров таҳрир остида. –Т.: Шарқ, 2004.

4.10. Фалсафа энциклопедик луғат. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010

5. Хорижий адабиётлар:

5.1. ‘Measuring Globalization’ In, Foreign Policy, March-April 2009. - 54-69 pp.

5.2. The Global Religious Landscape. Pew Research Center. Washington, D.C. 2012. P.9.

5.3. The Legatum Prosperity Index 2016. The Legatum Institute Foundation. G.Br., London, 2016. P. 74.

5.4. William M. Sullivan and Will Kymlicka (eds.), The Globalization of Ethics: Religious and Secular Perspectives, Cambridge University Press, 2007, 305 pp.

5.5. Баранов А. Информационный суверенитет или информационная безопасность? // -Деловая Украина, №24, 2002.

5.6. Бек У. Что такое глобализация? – М: Прогресс-Традиция.– 2001.– 304 с.

5.7. Гаджиев К.С. Введение в геополитику. - М.: ЛОГОС, 2000. - 432 с;

5.8. Глобализация и моделирование социальной динамики. - М: Институт социальных наук, 2001. - С 237.

5.9. Глебов Г. И., Милаева О. В. Современные международные отношения.

5.10. Учебное пособие. — Пенза: Изд. Пенз. гос. ун-та, 2010. — 98 с.

5.11. Гринин Л. Е. Глобализация и национальный суверенитет // История и современность. — 2005. — № 1. — С. 6—31.

5.12. Ерофеева К.Л. Человек в информационном обществе; сущность и существование. - Иваново, 2007. Ст. 216.

5.13. Курицын В. Н. Русский литературный постмодернизм – М: ОГИ. – 2001. Ст 289.

5.14. Стиглиц Дж. Глобализация: тревожные тенденции. – М: Мысль. – 2003. – 300 с.

5.15.Энтони Гидденс. Социология. –Т: Шарқ, 2002. – 847 б.

6. Журнал ва газета мақолалари

6.1.Баходир Зокир. Ғарб инқирози // Тафаккур журнали.– Т:– 2007. - № 2. – 32 б.

6.2. Фахриддин Низом. Манфаат ва холислик // Тафаккур журнали. – Т:2009. - № 3. – 32 б.

6.3.Мамадиев Б. “Оммавий маданият” – маънавий кушандаси // Маърифат. – Т: 2008. - № 4. – 16 б.

6.4.Мамадиев Б. Глобаллашув – у инсонни таназзулга бошлайдими? // Маърифат. – Т: 2008. - № 32. - 16 б.

6.5. Мамадиев Б. Ҳиндистон ёшлари: кеча ва бугун // Маърифат. –Т:2008. - № 20. – 16 б.

6.6. АКТ: тезкор, қулай ва илғор// Халқ сўзи. – 2012. – 24 апрель.

6.7. Ахборот-коммуникация технологиялари барча соҳаларнинг самарали фаолияти ва жадал ривожига муҳим аҳамиятга эга//Халқ сўзи.–2012.-6 март.

6.8.Тураев Б. Информационное свойство пространства и времени // Естествознание и философия. III международный семинар. — Санкт-Петербург: 1992.

6.9. Гофуров Б., Хидиров К. Интернет ва миллат манфаати / Халқ сўзи, 2005, 13 май.

6.10. Ахмедов Т. Вертуал жанг, унга қандай тайёргарлик кўрмоқда? “Жамият” газетаси. 2010 йил 5 ноябр.

6.11. Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш-энг муқаддас мақсад //Халқ сўзи. - 2012. – 18 февраль.

7. Диний манбалар

7.1. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 5-жузъ.- Т:Шарқ, 2008. – 660 б.

7.2. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Шояд такводор бўлсак. - Тошкент:Чўлпон, 1992. – 170 б.

- 7.3. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт: никоҳ, идда ва талоқ. – :Шарқ, 2008. – 430 б.
- 7.4. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. – Тошкент: Шарқ, 2013. Б-455.
- 7.5. Шайх Абдулазиз Мансур. Куръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т: Тошкент ислом университети. 2016. Б-624.
- 7.6. Саҳиҳи Бухорий 1-китоб. –Т: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. Б-711.

8. Интернет сайтлар

- 8.1. <http://www.ziyonet.uz> (O'zbekiston ta'lim tizimi portali)
- 8.2. <http://www.gov.uz> (O'zbekiston hukumati portali)
- 8.3. <http://www.press-service.uz> (O'zbekiston Respublikasi Prezidenti matbuot xizmati)
- 8.4. <http://www.cctld.uz> (statistika portali)
- 8.5. <http://google.uz> (O'zbekiston qidiruv serveri)
- 8.6. <http://www.UzA.uz> (O'zbekiston axborot agentligi)
- 8.7 <http://www.xs.uz> (Xalq so'zi gazetasi elektron sayti)
- 8.8.<http://www.centralasia.org> (Марказий Осиё электрон портали)
- 8.9. <http://i-r-p/ru/page/stream-exchange/index-19141/html>
- 8.10. <http://www/respublika-kz.info/news/politics/17102/>

Иловалар

“Оммавий маданият” таъсирига қарши курашишда миллий қадриятларининг аҳамияти мавзудаги социологик тадқиқот дастури

Муаммонинг қўйилиши ва унинг назарий таҳлили. Мустақил ривожланиш йўлини танлаган ва янги жамият қурадиган ҳар бир миллат учун ахлоқ ва миллий маданиятни сақлаб қолиш ва ривожлантириш долзарб ва устувор вазифадир. Глобаллашувнинг ёшларни тарбиялашга салбий таъсири, ахборот воситалари – Интернет, уяли алоқа ва бошқа турли хил ахборот адабиётларини жадал ривожлантириш натижасида ёшларни кўпинча миллий қадриятлардан ажралиши кузатиляпти. Ёшлар орасида «оммавий маданият»нинг турли хил кўринишларида тарқалиши уларнинг ташқи кўриниши, кийимлари, бўш вақтларини ўтказишда намоён бўлади. Буларнинг ҳаммаси бузғунчилик ва зўравонлик, миллий қадриятлар ва ижтимоий манфаатларга бефарқ бўладиган ҳолатларга олиб келади. Бунда ҳозирги кунда ёшлар орасида Ғарб қадриятларига тақлиднинг кучайиш роли мавжуддир. Мазмуни қашшоқ фильмлар, ҳаддан зиёд очиқ-сочиқ либосларни акс эттирувчи модалар ва турли хил реклама маҳсулотлари орқали ёшларимизнинг онгига зарарли таъсир ўтказилаётганини кўриш қийин эмас. Бугунги дунёда кечаётган мураккаб социал жараёнлар эса ёшлар тарбиясига янада катта эътибор қаратишни талаб этмоқда.

Тадқиқотнинг гипотезаси. Мутахассислар ёшларга «оммавий маданият»нинг салбий таъсирини ошишида телекоммуникация (Интернет, мобил телефонлар ва бошқалар)нинг ролини алоҳида эътиборга оладилар. Шу мақсадда мамлакатимизда юқорида кўрсатилган салбий ҳодисалардан ёшларни ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тўғрисида”ги Қонун бу мураккаб масалани ечимига ҳуқуқий асос бўлади. Аммо, “оммавий маданият” таъсирига қарши курашиш фақат

маъмурий йўл билан эмас, балки фаол таълим ва тарбия жараёни ёш авлодни бегона мафкуранинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди

Тадқиқотнинг мақсади. Эмпирик социо-психологик тадқиқот натижалари бўйича талаба-ёшларда “оммавий маданият” ҳодисасининг салбий таъсирига мустақкам ижтимоий иммунитетни шакллантиришда миллий ва диний қадриятларининг таъсир даражасини амалий жиҳатда тадқиқ этишдан иборат.

Дастлабки маълумотни тўплаш методи сифатида сўров методининг ёзма шакли, яъни анкета ўтказиш танланди.

Асосий тушунчаларни интерпретация қилиш. Миллий ва диний қадриятлар, жамият, талабалар-ёшлар, оила, турмуш тарзи, глобаллашув, Ғарб маданияти, “оммавий маданият”, ижтимоий муаммолар, ижтимоий тараққиёт каби социологик категориялар саволноманинг марказий тушунчалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Сўровнома объекти сифатида пойтахтимиздаги икки олий ўқув юрти –ЎзМУ ва НамДУ талабаларининг бир гуруҳи белгиланди, уларни мафкуравий таҳдидларга қарши туришларида миллий қадриятларнинг таъсир қилиш ҳолатини аниқлаш тадқиқотнинг предмети сифатида талқин қилинди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

СОЦИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

А Н К Е Т А

“Жамоатчилик фикри”

Муҳтарам ватандош! Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти бевосита аҳоли фикрини ўрганиш, унга таянишни тақозо этади. Ушбу жараённинг амалий кўриниши кишиларнинг ижтимоий кайфиятлари, жамиятимизда рўй бераётган маънавий жараёнларга ўз баҳоларини беришларини кузатиб бориш муайян мавжуд муаммолар ечимига мос таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга яқиндан ёрдам бериши мумкин. Сизни ушбу тадқиқотда иштирок этишингизни илтимос қилиб, қўйилган саволларга аниқ ва холис жавоб беришингизни сўраймиз. Тадқиқот аноним хусусиятга эга бўлиб, анкетада фамилиянгиз ва исм-шарифингизни кўрсатишингиз шарт эмас. Чунки натижалар умумий кўринишда таҳлил этилади.

Анкетани тўлдириш қоидалари

Анкета варақаларидаги барча саволларни диққат билан ўқинг. Фикрингизга мос келадиган жавоб вариантыни танлаб, унинг рақамини доира билан белгиланг. Агарда ҳеч бир жавоб Сизни қониқтирмаса, унда ўзингизга маъқул жавобни ёзиб қўйинг. Тадқиқотимизда иштирок этаётганингиз учун Сизга олдиндан чуқур миннатдорчилигимизни билдирамиз!

ТОШКЕНТ–2018

1. Туғилиб, ўсган жойингиз...

1. Пойтахт.
2. Вилоят маркази.
3. Туман маркази.
4. Вилоятдаги шаҳар.
5. Тумандаги шаҳар.
6. Қишлоқ.

2. Оилавий ҳолатингиз...

1. Уйланганман.
2. Турмушга чиққанман.
3. Ҳозирча оила қурмаганман

3. Жинсингиз.

1. Эркак.
2. Аёл.

4. “Оммавий маданият” ҳақида ўзингизни қай даражада билимли, деб биласиз?

1. Юқори даражада.
2. Ўрта даражада.
3. Паст даражада.

5. “Оммавий маданият” ҳақидаги маълумотни ёшлар қаердан олишлари мумкин?

1. Интернет.
2. Матбуот.
3. Радио ва телевидение.
4. Яқин дўстлар.

6. Оммавий маданият ҳақидаги тасаввурингиз...

1. Ижобий
2. Салбий -----→ 8- саволга ўтинг
3. Жавоб беришим қийин-----→9 - саволга ўтинг

7. Агар жавобингиз ижобий бўлса, унинг сабабларини кўрсатинг. (2 тагача жавоб белгилашингиз мумкин)

1. Фаровон ҳаёт тарзини ифодалайди.
2. Миллий маданият ва урф-одатларнинг мазмунини бойитади.
3. Миллий маданият ва урф-одатларни замонавийлик билан уйғунлаштиради.
4. Диний қадриятлар аҳамиятини кенг тарғиб қилади.
5. Ёшларни ота-она қармоғидан ташқарида мустақил тарбия топишини таъминлайди.
6. Кишиларнинг кенг интеллектуал салоҳиятини намойиш қилади.
7. Бошқаси (ёзиб қўйинг) _____

8. Агар жавобингиз салбий бўлса, унинг сабабларини кўрсатинг (2 тагача жавоб белгилашингиз мумкин).

1. Никоҳсиз бирга яшаган эркак ва аёлни ҳаёсизликка асосланган муносабатда бўлишига олиб келади.
2. Ёшларнинг катталар насихатига қулоқ солмаслигини тарғиб қилади.
3. Ёшларнинг диний қадриятларга амал қилишларини ёддан чиқартиради.
4. Ғарбликларнинг салбий маънодаги ҳаёт тарзи, овқатланиш одатлари, юриш ва кийинишини ёшларга “намуна” қилади.
5. Бир жинсли никоҳларни маъқуллаяпти.
6. Наркотик моддаларни кичик дозаларда эркин истеъмол қилишга йўл очмоқда.
7. Бошқаси (ёзиб қўйинг) _____

9. Сизнингча, ҳозирда Ғарб турмуш тарзининг ўзбек жамияти ҳаётига таъсири қай даражада?

1. Юқори.
2. Ўртача.
3. Таъсири йўқ.
4. Билмадим.

10. Сизнингча, оммавий маданият элементларининг ўзбекчиликка сингиб кетиши қандай оқибатларга олиб келади? (2 тагача жавоб белгилашингиз мумкин)

1. Ота-она ва фарзанд ўртасида ибo, ҳаё кўтарилади.
2. Эркак ва аёл ўртасида уят бўлмайди.
3. Қўшничилик ва қариндошчилик алоқаларидаги андиша йўқолади.
4. Телевидение ва миллий киноларимизда беҳаё лавҳалар илдиз отади.
5. Ўзбек оиласи мастаҳкамлиги ва барқарорлигига жиддий путур етади.
6. Бошқаси (ёзиб қўйинг) _____

11. Бугунги кунда ушбу ахлоқсиз ҳолат атрофимиздаги ёшлар орасида ҳам куртак ёзмоқда, деб ҳисоблайсизми?

1. Ҳа
2. Йўқ-----→ 13- саволга ўтинг
3. Билмадим-----→ 13- саволга ўтинг

12. Агар жавобингиз “Ҳа” бўлса, юртимиз айрим ёшларининг миллий маънавиятдан узоқлашиши сабабини кўрсатинг (2 тагача жавоб белгилашингиз мумкин).

1. Ғарб жамияти маданияти вакилларининг керагидан ортиқ даражада эркинликка эгалигидан илҳомланиш (тақлид).
2. Катталарнинг ёшларни қатъий тарзда тартиб-интизомга чақирмаслиги.
3. Ёшлар ва катталар ўртасида самимий мулоқотнинг йўқлиги.

4. Аксарият ёшларнинг ислом дини қадриятларидан беҳабарлиги.
5. Ўқув даргоҳларининг ҳозирча том маънодаги тарбия ўчоғига айланмаганлиги.
6. Эстрада ҳонандаларининг ўз кўшиқларига ижтимоий маъноси йўқ, ва диний-миллий қадриятларимизга зид бўлган клипларини олдириб, намойиш қилаётганлари.
7. Бошқаси (ёзиб қўйинг) _____

13. Бундай ҳолат салбий жамиятимизда оммавий тус олмаслиги учун қандай чоралар кўрилишини тавсия қиласиз? (2 тагача жавоб белгилашингиз мумкин)

1. Телекўрсатувлар, айниқса кўнгил очар кўрсатувлар бўйича маънавий-ахборот хавфсизлиги назоратини жорий қилишни.
2. Ёшларнинг маънавий-руҳий ҳаётини ҳақиқий маънода юксалтиришни.
3. Ёшларда бошқалардан нимани олиш мумкин ва мумкин эмас, деган дунёқарашни шакллантиришни.
4. Оила аъолари орасида самимий ва соғлом муҳитни шакллантиришни.
5. Бунёдкор миллий ғояларни ёшлар онгига сингдиришни.
6. Таълим тизимининг барча босқичларида ёшларни ислом дини қадриятлари билан яқиндан таништиришни.
7. Бошқаси (ёзиб қўйинг) _____

14. Сизнингча ёшлар миллий маданиятимизга асосланган қайси хатти-ҳаракатлари билан катта авлодни хурсанд қилайтилар? (3 тагача жавоб белгилашингиз мумкин)

1. Илм олиш ва хунармандчиликни эгаллашга интилишлари.
2. Каттаю-кичikka хурмат ва иззатда бўлаётганлари.
3. Ота-оналарини уялтириб қўйиши мумкин бўлган ишлардан йироқ бўлаётганлари.
4. Софдиллик ва ҳалолликка талпинишлари.
5. Миллий урф-одат ва ахлоқ-одобга риоя қилишга ҳаракат қилмоқдалар.
6. Диний эътиқодга эгаликлари.
7. Бошқаси (ёзиб беринг) _____

15. Ёшларнинг оммавий маданият таъсиридаги қайси хатти-ҳаракатларидан катта авлод ранжиётган бўлиши мумкин. (3 тагача жавоб белгилашингиз мумкин)

1. Кибр ва мақтанчоқлиги.
2. Енгил-елпи йўллар билан осонликча бойлик топишга интилиши.
3. Миллий ва диний қадриятлар, урф-одатларимизга эътиборсизлиги.
4. Ўзаро муомулада ўта кўпол бўлиши.

5. Очиг-сочиқ кийиниши ва бачкана хатти-ҳаракатлари билан онасини жамоатчилик олдида ноҳуш ҳолатга солиб қўйиши.
 6. Китоб ўқиш, илмли ва хунарли бўлишга эътибор қилмаслиги.
 7. Бошқаси (ёзиб беринг) _____
- 16. Кишини ахлоқсизликлардан тия оладиган асосий омил нима?**
1. Миллий ахлоқ ва маънавийликка таянган оилавий тарбия.
 2. Диний тарбия ва унинг асосида гуноҳ ишларни қилишдан қўрқиш.
 3. Маҳалла ва жамоатчилик олдидаги шармандалиқдан қўрқиш.
 4. Бошқаси (ёзинг) _____
- 17. Инсон ахлоқий фазилатларининг шаклланишида миллий кадриятлариларнинг ўрни қай даражада, деб ҳисоблайсиз?**
1. Жуда юқори.
 2. Юқори.
 3. Ўртача.
 4. Аҳамиятсиз.
 5. Умуман аҳамиятсиз.
 6. Билмадим.
- 18. Кишини юксак ахлоқ ва одоб эгаси бўлиши диний эътиқодга бевосита боғлиқми?**
1. Ҳа.
 2. Йўқ.
 3. Жавоб беришим қийин.
- 19. Диний билимлардан хабардор бўлмаган кишини комил инсон дейиш мумкинми?**
1. Ҳа.
 2. Йўқ.
 3. Жавоб беришим қийин.
- 20. Сизнингча ёшларни миллий маданияти ва кадриятларидан етарли хабардор бўлишлари учун қандай ишларни амалга ошириш лозим? (2 тагача жавоб белгилашингиз мумкин)**
1. Миллат тарихига оид нашрларни мунтазам тарзда ўқиб бориш.
 2. Маънавий соҳа олимлари билан учрашувларни мунтазам ташкил этиш.
 3. Радио ва телевидениеда миллий кадриятлари ҳақидаги эшитириш ва кўрсатувлар савиясини ошириш.
 4. Маҳалларда ёшларни ақиқа тўйлари, дафн маросимлари ва эҳсон тадбирларига кўпроқ жалб этиш.
 5. Кекса авлод вакиллари ёшларга ўзбекона одоб-ахлоқ асосларини ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, тушунтириб боришлари.
 6. Бошқаси (ёзиб қўйинг) _____

21. Оммавий маданият махсули бўлган: гиёхвандлик, алькоголизм, уятсизлик ва ҳаёсизлик каби жиддий ижтимоий муаммоларни бартараф қилишда миллий-диний қадриятлар муҳим аҳамиятга эгами?

1. Ҳа.
2. Йўқ. -----→ 23- саволга ўтинг
3. Жавоб беришим қийин.

22. Агарда жавобингиз ижобий бўлса, унинг асосий сабабини кўрсатинг

1. Миллий урф-одатларимизда бу иллатлар қатъий қораланади.
2. Ислом дини ва унинг қадриятлари кишиларни пок юришга чақиради.
3. Аждодларимиз диний-миллий эътиқод талабларига амал қилгани туфайли бундай иллатлардан йироқ бўлишган.
4. Бошқаси (ёзиб қўйинг) _____

23. Агарда жавобингиз салбий бўлса, унинг асосий сабабини кўрсатинг

1. Моддий ҳаёт неъматларидан лаззатланаётган кишилар ислом дини томонидан қўйилган таъқиқлардан кўрқмаяпти.
2. Ўзбекона одоби ва ахлоқидан беҳабарлар кўпайиб бормоқда.
3. Исломда ман этилган ишларни қилмаслик анча заифлашиб қолган.
4. Бошқаси (ёзиб қўйинг) _____

24. Катта даромад келтирадиган ишни бошлаётганингизда у миллий одоб-ахлоқ талабларига тўғри келмаслигини билиб қолсангиз, ўша ишни тўхтата оласизми?

1. Ҳа, албатта.
2. Йўқ, моддий ҳаётимни яхшилашда миллий одоб-ахлоқ талаблари билан ҳисоблашмайман.
3. Билмадим.

25. Оила қурмоқчи бўлиб турган яқин кишингизга қандай дунёқарашга эга бўлган турмуш ўртокни танлашни тавсия қиласиз?

1. Замонавий.
2. Миллий.
3. Диний.
4. Европалашган.

Тадқиқотимизда иштирок этганингиз учун раҳмат. Келгуси ўқиш ва ишларингизда катта муваффақиятлар тилаб қоламиз!